



50
(1472)-сон
25-декабр
2020

Xabar

ERÛRSEN SHOÛ, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOÛSEN SEN

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ЭЛЕКТРОН ХУҚУМАТ

Ўзбекистон-Корея экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди **3-бет**

ИНТЕРВЮ

Бахтиёр Маҳкамов: "Иқтисодиётимиз гипер рақобатбардош рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида турибди" **4-5-бетлар**

ПРОГРАММИРОВАНИЕ

Платформа Code.org стала доступна на узбекском языке **6-бет**

ҲАЁТ СЎҚМОҚЛАРИДА

Жигарларни айирган мерос **8-бет**

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Алданган қизлар ёхуд синалмаганнинг сиртидан ўтма **9-бет**

МАСЛАҲАТ

Болага гаджетлар эмас, жонли мулоқот керак! **10-бет**

САМАРҚАНДДА ИТ-ПАРК

ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ



Ахборот технологиялари соҳасида истиқболли стартап-лойиҳаларни амалга ошириш, уларни ички ва ташқи бозорларга чиқариш, ёш дастурчилар тайёрлаш, соҳада янги иш ўринларини яратиш мақсадида Самарқанд шаҳрида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (IT-Парк)нинг худудий филиали замонавий инфратузилмага эга бинода ўз фаолиятини бошлади.

ҲАМКОРЛИК

СИРДАРЁ ВА НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ ПОЧТА БЎЛИМЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Республикаимиз бўйлаб почта алоқаси бўлимларида электрон давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Қизилтепа почта алоқаси боғламасига қарашли "Юксун" ва "Узилишкент" алоқа бўлимлари ҳамда Хатирчи почта алоқаси боғламасига қарашли "Новвот" алоқа бўлими томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларини кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг Сирдарё филиалига қарашли Гулистон туман почта алоқаси боғламасига қарашли "Гулистон-1" ва "Озод" алоқа бўлимларида ҳамда Янгибод туман почта алоқаси боғламасига қарашли "Навбахор", Фарход почта алоқаси боғламасига қарашли "Ховос-11" ҳамда Боёвут почта алоқаси боғламасининг "Ширин-1" алоқа бўлимларида 15 турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда.



Бугунги кунда почта алоқа бўлимлари орқали:

- СТИР рақам олиш;
- юридик ва жисмоний шахсларни солиқдан қарздорлиги тўғрисида маълумот олиш;
- никоҳ қайд этилганлиги, никоҳда турмаслиги ёки никоҳдан ажралганлиги тўғрисида маълумотларни олиш;
- фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизимига ҳисобга олиш;
- манзил маълумот ахборотларини тақдим этиш;

- судланганлик ёки судланмаганлик тўғрисида маълумотнома олиш;
- фуқароларнинг номида шахсий уй-жойи борлиги ёки йўқлиги тўғрисида маълумот олиш;
- архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш;
- болаларни давлат мактабгача таълим муассасасига жойлаштириш учун ариза бериш;
- туғилганлик ҳақида маълумотнома олиш;
- ўлим рўйхатга олинганлиги ҳақида маълумотнома олиш;
- пенсия ва нафақа ҳақида маълумот олиш;
- наркология диспансерида ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш;
- руҳий касалликлар бўйича диспансерда ҳисобда туриши ёки турмаслиги тўғрисида маълумотнома олиш каби хизматлардан фойдаланиш мумкин.

НАҲОН СМАРТФОНЛАР БОЗОРИ

(2020 й. 3-чорағида энг кўп қурилма сотган компаниялар, млн. донга)

1. Samsung	—	80,4
2. Huawei	—	51,9
3. Xiaomi	—	46,5
4. Apple	—	41,6
5. Vivo	—	31,5
Бошқалар	—	101,7
ЖАМИ		353,6



Манба: IDC

2 | ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 18 декабр куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг видеоанжуман шаклидаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда МДҲни янада ривожлантириш концепцияси ҳамда уни амалга ошириш бўйича асосий тадбирлар режаси, БМТ ташкил этилганининг 75 йиллиги муносабати билан ҳамда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида қўшма баёнотлар қабул қилинди.

Тошкентда 18-19 декабр кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтди. Парламент юқори палатасининг ўнинчи ялпи мажлисида 21та масала, шу жумладан, 14та кунун кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21 декабр куни Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқот қилди. Президентлар икки мамлакат ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларида юксак даражага эришилганини катта мамнуният билан қайд этдилар. Давлат раҳбарлари санат кооперацияси бўйича янги лойиҳаларни илгари суриниш учун Ҳукуматлараро қўшма комиссия ишини фаоллаштириш лозимлигини таъкидладилар. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 23 декабр куни инвестициялар ва ташқи савдо соҳасидаги ишлар натижадорлиги ҳамда 2021 йилга мўлжалланган асосий вазифалар муҳофазаси бўйича йиғилиш ўтказди. Унда давлатимиз раҳбари 2021 йил ҳам иқтисодиёт учун осон бўлмаслигини, шу боси инвестициялар жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирдан оқиб, манзилли чоралар кўриш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Япония ТИВ ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашув видео-конференция шаклида бўлиб ўтди. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги Ўзбекистон – Япония стратегик шериклигини янада чуқурлаштириш, халқаро ташкилотлар ва кўп томонлама тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳофама қилинди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида"ги ва "Худудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлар эълон қилинди.

САМАРҚАНДДА IT-ПАРК



Бинони фойдаланишга топшириш бўйича ташкил этилган тантанали тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими Эркинжон Турдимов ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Олег Пекос иштирок этди.

Мазкур объект Самарқанд шаҳрида Амир Темури кўчаси 44-уйда жойлашган 2 қаватли бинода жойлашган бўлиб,

объектнинг умумий ер майдони 1 гектарга яқин, бино майдони 1 118 кв. м.ни ташкил этади.

IT-Паркда коворкинг, резидентлар ва стартапчилар учун офис жойлари, замонавий ўқув хоналари, робототехника, киберспорт, музокара ва учрашувлар хоналари (meeting room), конференц зал, интервю зона, кафе ва бошқа ёрдамчи хоналар энг сўнгги услубдаги дизайн

ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

ҳамда замон талаблари асосида ташкил этилган.

Бугунги кунда вилоятда 1 679,5 минг нафар ёшлар бўлиб, (7 ёшдан 30 ёшгача), уларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига йўналтириш бўйича охириги йилларда бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

IT-Парк Самарқанд ҳудудий филиали ҳам ёшларни мазкур соҳага қизиқтириш, соҳада фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзларни берган ҳолда, уларнинг самарали фаолият олиб боришлари учун шарт-шароит ва имконият яратиб бериш орқали соҳада дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспортини йўлга қўйиш, янги лойиҳалар ва стартапларни ҳаётга тadbик этиш, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштиришда бевосита иштирок этиш, вилоятнинг жами хизматлар ҳажмида АКТнинг улушини сезиларли ошириш асосий вазифа этиб белгилаб олинди.

Филиал вилоятда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият олиб бораётган юридик шахслар, олий таълим муассасалари, ҳозирда Самарқанд шаҳридаги 9-сон умумтаълим мактаби негизда ташкил этилаётган информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактаб билан ҳамкорлик олиб боради.

Шунингдек, филиал қошида вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманларида ташкил этиладиган Рақамли технологиялар марказлари фаолият олиб боради. Ҳозирги кунда 6та шаҳар ва туманларда мазкур марказлар ташкил этилди, жорий йил якунига яна 4та шу каби марказлар ишга туширилади.

Филиал ташкил этилиши натижасида вилоятда 50та янги IT корхоналари, 200та янги иш ўринлари ва 100дан ортиқ стартап лойиҳалар ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎҚУВ МАРКАЗЛАРИ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ёшлар ўртасида компьютер технологиялари, дастурлаш, робототехника ва киберспортни оммалаштириш, бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида Сирдарё вилоятида ҳам бошқичма-бошқич Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил қилинмоқда. Шундай ўқув марказларидан яна бири Бойеут туманида очилди, ўз иш фаолиятини бошлади. Бу вилоятда ташкил этилган олтинчи ўқув маркази ҳисобланади.



Марказнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, "Ўзкомназорат" ҳудудий инспекцияси масъуллари, вилоят IT-Center вакиллари, туман ҳокимлиги мутасаддилари, маҳалла фаоллари, умумтаълим мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди. Шинам хоналарга эга бўлган янги марказ замонавий компьютер жиҳозлари, юқори тезликда ишловчи интернет тармоғи билан таъминланган. Бу ерда туман ёшлари учун рақамли технологиялар, дастурлаш асослари, робото-

техника бўйича ўқув курслари ташкил қилинади. Шунингдек, ушбу ҳудуддаги давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органи ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари бўйича малакасини ошириш юзасидан чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Марказда ёшларни компьютер спортга (киберспортга) жалб қилиш, киберспорт қоидаларини ўргатиш, турли ўйинлар бўйича гуруҳларни шакллантириш, жамоавий ўйинлар амалиётини ташкил этиш, республика миқёсида мусобақалар ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Рақамли технологиялар ўқув маркази Фарғона вилоятининг Бағдод туманида ҳам очилди. Ушбу марказ вилоятнинг Кўқон, Марғилон шаҳарларида ва Данғара, Ёзёнов, Фурқат, Бувайда, Сўх туманларида фойдаланишга топширилган шундай марказларнинг еттинчиси бўлди.

Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Г.Саидганиева, АКТ вазирлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси, туман ҳокимлигининг раҳбар ва ходимлари, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси корхона ва ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Марказ замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминланди ҳамда юқори тезликдаги интернет тармоғига уланиб, ёшларга барча керакли шароитлар яратиб берилди. Бу ерда йилга туманнинг икки мингга яқин ёшларига ахборот технологиялари, дастурлаш асослари, робототехника, замонавий рақамли технологияларни ўргатиш ҳамда бу соҳада мутахассисларни тайёрлаш мақсад қилиб белгиланди.

ЎЗБЕКИСТОН-КОРЕЯ ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА АНГЛАШУВ МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги ўртасида электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича Ўзбекистон-Корея экспертлар гуруҳи фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

Бу ҳақда АКТ вазирлиги ахборот хизмати хабар бермоқда. Англашув меморандумини Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов ва Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири Ёнг Чин имзолади. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Корея Республикасининг Давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазирлиги ўртасида Сеул шаҳрида

2017 йил 22 ноябр куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни янада ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ўзаро Англашув меморандуми имзоланган эди.

Экспертлар гуруҳи билан биргаликда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт йўналишида амалга оширилиши режалаштирилаётган барча устувор лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқилишини инobatта олинган ҳолда мазкур Англашув меморандуми юқорида келтирилган Меморандумга қўшимча сифа-



тида имзоланади.

Корея экспертлари билан ҳамкорликда электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишида устувор лойиҳалар ва дастурлар ишлаб чиқиш, электрон ҳукуматни ривожлантириш режасини биргаликда ташкил этиш билан боғлиқ консалтинг хизматларини кўрсатиш, электрон ҳукумат соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш тўғрисида ахборот



алмашиш, давлат хизматларини электрон шаклга ўтказишни ташкилий-техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича ахборот алмашиш, электрон ҳукумат тизимини янада ривожлантириш бўйича тажриба алмашиш, электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш дастуридаги устувор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш устувор вазифа қилиб белгиланган.

Рақамли иқтисодиёт ва

электрон ҳукумат соҳасида умумжаҳон рейтингларда юқори ўринларни эгаллаётган Корея Республикаси билан ҳамкорлик, шубҳасиз, юртимиз учун ижобий самара кўрсатади ва етакчи давлатнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ушбу йўналишларда лойиҳаларни самарали амалга ошириш, республикамизни жаҳонда муносиб ўринни эгаллаш, аҳолимиз учун янада кўпроқ қулайлик яратишда замин бўлади.

➔ Ҳамкорлик

UZINFOCOM ва BePro ҳамкорликда ишлайди

Ягона интегратор UZINFOCOM ва BePro дастурчилар маркази Ўзбекистон Республикасида АКТни ривожлантиришга ихтисослаштирилган ташкилотлар иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги келишувни имзоладилар.

Иттифоқнинг вазифалари:

- Ҳамкорликдаги ҳукумат лойиҳаларида самарадорликка эришиш учун ресурсларни бирлаштириш;

- Ўқув хоналаридан ҳамкорликда фойдаланиш;

- Дастурий ва аппарат таъминоти лойиҳа синовлари натижаси билан ўзаро тажриба алмашиш;

- Ҳукумат лойиҳаларида муҳандислик ресурслари ва технологик экспертизалардан ҳамкорликда фойдаланишдан иборат.

Эмил ГИМРАНОВ, UZINFOCOM бош директори:

– Бугунги кунда ахборот тизими кўплаб йўналишларда дастурчилардан жуда юқори малакаларни талаб қилувчи аппарат-дастурий комплекс ҳисобланади. Масалан, “103 ахборот тизими” каби умумий лойиҳа ташкилотларимиздаги экспертиза яхши йўлга қўйилганлигини кўрсатди. Кеча-кундуз давомида дастурий ва аппарат таъминоти, алоқа воситалари, мобил иловалар, компьютер тармоқлари, ахборот хавфсизлиги интеграцияси иш-



лашини таъминлаш вазифаси масъулиятли ҳисобланиб, юқори аҳамиятга эга. Дастурчилар ва муҳандислар жамоасининг уйғунлиги натижанинг мuddати ва сифатига боғлиқ. Биз шу йўналишда ҳаракат қилиб, яна бир нечта йирик лойиҳалар билан ишламоқчимиз.

Абдувоитжон ҒОҒУРОВ, BePro бош директори:

– Мазкур ҳужжат алоҳида ташкилот яратишни назарда тутмайди. Биз рақамли иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жорий этишда ресурсларни бирлаштираемиз. Бундай кенг қўламли вазифаларни ҳал қилиш ахборот технологиялари соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган

етақчи компанияларнинг улкан илмий-амалий салоҳияти, моддий-техник ресурсларини бирлаштиришни тақозо қилади. Ҳар қандай йирик лойиҳа синов тартибиде ишга туширилиб, ишлар натижасини баҳолаш учун алоҳида ресурслар ва гуруҳни талаб қилади. Ваҳоланки, янада юқори натижаларга ва умумий манфаатларга эришиш мақсадида ушбу лойиҳани ҳамкорлар билан ривожлантириш мумкин. Бундан ташқари, елкама-елка ишлаш, муқобил фикрлаш эса янада белгилаган мақсадларга эришишга ундайди.

Ҳамкорлик тўғрисидаги келишувнинг имзоланиши ҳамкорларга биргаликда қўшма IT-ечимлари ва хизматларини тарғиб қилиш ҳамда янги йирик IT-лоyiҳаларни амалга ошириш имконини беради.

Амити университетиде Ucell ва IT-Park корпоратив акселерацияси доирасида Demo Day бўлиб ўтди

Мазкур Demo Dayда стартапларга ўз лойиҳаларини мутахассислар ва бошқа меҳмонларга тақдим этиш, шунингдек, акселерация дастури давомида олиб борган ишларининг натижаларини намойиш қилиш имконияти берилди. Шу кун олтита жамоа ўз лойиҳаларини тақдим этди.

Demo Day натижалари бўйича ҳакамлар ҳайъати томонидан учта лойиҳа сараланиб олинди ҳамда улар Ucell & IT-Park корпоратив акселератори биринчи тўлқинининг мутлоқ ғолибларига айланишди:

1. 2work – уй ҳўжалиги ва кичик бизнес хизматлари билан боғлиқ бўлган муаммоларни топиш ва ҳал қилиш учун ёрдам берадиган платформа;

2. Smart studio – бу онлайн тарзда дарс ўтадиганларнинг ўқитиш услубини такомиллаштиришга ёрдам берувчи платформа. Ёрдам AR технологияларини жорий этиш, реал вақт тартибиде мураккаб эффектларни яратиш ҳамда қийматни содиқ ва фаол аудитория шаклида олишдан иборат;

3. Mobigruz – бу юк ташувчи ва хайдовчиларга бир-бирини топишда ёрдам берадиган мобил илова.

Ғолибларга Ucell & IT-Park корпоратив акселератори томонидан сертификат ва эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, келгусида жамоаларга Ucell билан биргаликда ўз лойиҳаларини амалга ошириш устида ишлаш имконияти берилди.



4 ЁШ ПРОФЕССОР БИЛАН КАТТА ИНТЕРВЬУ



Бахтиёр МАҲКАМОВ: “ИҚТИСОДИЁТИМИЗ ГИПЕР ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ

Бугун биз Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг радиочастота спектридан фойдаланишни тартибга солиш бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Бахтиёр МАҲКАМОВ билан профессорлик илмий унвонигача бўлган йўл, АКТ соҳасида иқтисодиётнинг ўрни, пандемия давридаги аҳолимиз, рақамли иқтисодиётнинг асл мақсади, ишсизлик муаммолари, хориний тажрибалар ва, энг муҳими, инсон омили ҳақида сўхбатлашдик.

– Бундан тўрт йил аввал докторлик ишингизни ёқлаганингизда газетамизга интервью берган экансиз. Бугун эса сизни яна бир муваффақият, яъни соҳангиз бўйича энг ёш профессорлик даражасига эришганингиз билан табриклаймиз. Энди айтинг-чи, нима учун айнан иқтисодиёт йўналишини танлагансиз? Сиз фаолият олиб бораётган АКТ соҳасида бунинг ўрни қанчалик муҳим?

– Аввало, табрик учун катта раҳмат. Тўғри айтасиз, роппа-роса тўрт йил аввал интервью берган эдим. “Инсон умри – дарё суви” деб бежизга айтишмас экан.

Саволингизга келсак, хабарингиз бор, жаҳонда рақамлаштириш жараёни кундан-кунга ва жуда тез суръатларда юқорилапти. Бунда иқтисодиёт, айниқса, интеллектуаллашган иқтисодиётни самарали ривожлантиришга оид илмий-тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Узим ахборот технологияларининг Иқтисодиёт ва бошқарув йўналишини битирганман. Танлаган соҳам иқтисодий билимларимни рақамли технологияларга қўллашимга яхши туртки бўлди.

Қаранг, бугун юртимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳалар, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва кишлоқ хўжалигига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу билан нима демоқчиман, барча иқтисодиёт жабҳаларида ахборот технологияларининг қўлланилиши бутун республикамиз бўйлаб рақамли индустрияни жадал ривожлантиришга ва миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини оширишга олиб келади. Аниқ исботланган факт бу. Шунинг учун ҳам Президентимиз ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратиб, жорий йилни Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилди.

Умумий қилиб айтганда, янгиланаётган Ўзбекистонни барпо этиш йўлида, аввало, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлик да-

ражасини ошириш ва ресурслардан самарали фойдаланишнинг замонавий шакллари жорий этиш ҳамда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари бўйича самарадорликни ошириш каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яқдил мақсадга эса айнан иқтисодиёт ва рақамлаштириш жараёнларини уйғунлаштириш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайман.

– Профессорлик илмий унвон ҳар кимга ҳам насиб этмавермайдими. Бунинг учун тинчсиз ўқиб-ўрганиш, изланиш, меҳнат ва яна меҳнат қилиш, янгилик яратиш керак, шундай эмасми?..

– Тўғри айтасиз. Биласизми, бобом, тарих фанлари доктори, профессор Абдуқодир Уралов доим “Хар бир ишнинг вақти бор. Вақт билганинг бахти ёр”, яна “Дил ба ёру даст ба қор”, яъни дилмииз Аллоҳда, қўлимиз меҳнатда бўлсин, дер эди. Шу ўғитлар миямга ўрнашиб қолган эканми, илмий изланишлардан тўхтаганим йўқ. Фан доктори илмий даражаси берилгач илмий унвон олишга ҳам шижоат қилиб, ўз устимда ишладим. Яратганга беҳисоб шукри, натижаси узок куттирмади, шу йил профессор унвони билан тақдирландим.

Айни кунгача бешта ўқув қўлланма, битта монография ҳамда республика ва халқаро конференциялар, илмий журналларда 50га яқин илмий мақолалар чиқардим. Шундан 15таси Олий аттестация комиссияси рўйхатида қирувчи илмий журналларда чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Полша, Корея, Индонезия, Россия, Қозғистон ва бошқа давлатларнинг нуфузли ва юқори импакт факторга эга журналларида. Насиб бўлса, йил охирида яна 2та янги мақолам чоп этилиш арафасида турибди. Очиғи, илмий изланишларим билан юртим ривожига озми-кўпми хисса қўшаётганимдан хурсандман.

Айтганча, яна бир хушxabарим бор эди. Шу йил шоғирдларимдан бири “Саъноат иқтисодиёти” иختисослиги бўйича иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олди. Бу эса республиканинг иқтисодиётига яна

бир етук мутахассис ва олим қўшилди, дегани.

Ҳозир ҳам илмий фаолиятдан тўхтаганим йўқ. “Меҳнат иқтисодиёти” ва “Саъноат иқтисодиёти” иختисослиги бўйича фан доктори (DSc), фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи Илмий кенгашлар аъзоси сифатида фаолман...

– 2020 йил пандемия сабаб бутун дунёга жуда оғир келди. Яъни, бошқа давлатлар сингари бизнинг иқтисодиётимизга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Соҳангизни ҳар томонлама чуқур ўрганган мутахассис сифатида, айтинг-чи, айни пайтда иқтисодий аҳолимиз қандай? Том маънода ким зарар кўрди-ю, кимлар ютди?

– Рақамлаштириш, автоматлаштириш ва роботлаштириш жараёнларидаги технологик силжишлар иқтисодиётда жиддий таркибий ўзгаришларга олиб келади, ўз навбатида, ишсизликни ҳам келтириб чиқаради.

Ахборот технологиялари инсон капиталини ўзгартиряпти, унинг таркибий қисмлариغا, биринчи навбатда, таълим капиталига янги талаблар қўйяпти. Шу муносабат билан мақсадли ривожлантириш бўйича ўзгарувчан талабларга мувофиқ иш олиб бориш, ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимларига эътибор қаратиш зарур.

Замонавий меҳнат бозори учун ходимнинг касбий маҳоратини рақобатбардош даражада ушлаб туришда устувор шакллардан бири бу касб-ҳунар таълими узлуксизлиги концепциясидир. У ходимнинг таълим жараёнида фаол роль ўйнашига асосланади. Бунинг учун олий таълим муассасалари ва ўрта касбий таълимнинг илғор таълим моделига ўтиш керак. Яна таълим жараёнини илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда қайта ташкиллаштириш зарур. Масалан, масофавий ўқитиш, онлайн таълим буларнинг бир қўрилишидир.

Президентимизнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида камбағалликка қарши кураш иқтисодий ривожланиш сиёсатимизда устувор вазифа этиб белгиланди.

Хўш бунга қандай эришамиз? Аввало, одамларда тадбиркорлик руҳини уйғотиш, уларнинг ички қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва иқтимоий сиёсатни амалга ошириш орқали.

Айнан камбағалликка олиб келувчи омилар мамлакатда инсон капиталини ривожлантиришга, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига ва аҳолининг иқтисодий фаолиятига тўсқинлик қилади.

Ўзбекистонда охиригача уч йилда камбағалликни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли аҳоли жон бошига реал даромад 43,9 фоизга, ўртача ҳисобланган номинал ойлик иш ҳақи 79,7 фоизга ёки 2016 йилдаги 1293,8 минг сўмдан 2019 йилда 2324,5 минг сўмга ошди.

Аҳолини иқтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартириш бўйича гапирадиган бўлсак, муҳтожларга қўмаклашиш, камбағалликни камайтириш

давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жумладан, иқтимоий нафақа билан таъминладиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробарга оширилди. Йил якунига қадар улар сони ҳозирги 774 мингдан 1 миллион 200 минг нафарга етказилади. Уларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётимизни тиклаш учун давлат бюджетидан 12,5 триллион сўм маблағ ажратилди. Пандемия шароитида уйма-уй юриб ўрганиш орқали аҳолини иқтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни аниқлашнинг ўзига хос янги тизими шакллантирилди.

Шу асосда, умумий ҳисобда, моддий ёрдам кўрсатиш учун 417 миллиард сўм маблағ ажратилди. Сентябрь ойида моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ва ногиронлиги бўлган болаларни қишки кийим-бош тўпламлари, мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш мақсадида 426 миллиард сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

– Бугун энг ривожланган давлатлар ҳам иқтисодий тикланиш ҳақида бош қотирмоқда. Юртимизда бу йўлда қандай чоралар кўриляпти? Яқин келажақда нималарни кутишимиз мумкин?

– Фикримча, иқтисодиётнинг янада ривожланишига таълим, таълим ва яна таълимгина ёрдам беради. Қанчалар оддий бўлмасин, яна ўша ҳамма устозларим мисол тариқасида келтирадиган давлатларни айтиб ўтмоқчиман. Масалан, Япония, Корея, Сингапур каби тез ривожланаётган давлатларда ер ости бойликлари деярли йўқ. Уларда айнан инсон омили, яъни инсон капитали, интеллектуал салоҳияти давлатнинг янги ички маҳсулотни ўсишига ва ривожланишига олиб келмоқда.

Шунинг учун ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этишда инсон капиталига инвестиция киритишга катта эътибор қаратилаяпти. Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам айнан кадрлар салоҳиятини ошириш ва инсон омилига урғу бериб, “Бунинг учун, аввало, ташаббускор ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юратадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртига – таълимнинг барча бўғинларини ислох қилишни бошладик. Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун, аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади” деганди.

Демак, иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида олий таълим муассасалари битирувчиларининг иш билан бандлиги ва карерасини бошқаришга ёндашуви такомиллаштириш, таълим доираси ўзгарувчанлиги ва таълим курсларининг модуллаштиришга асосланганини назарда тутиб, самарали тақлифлар ишлаб чиқиш, инсон капитали самарадорлигини баҳолаш ҳамда меҳнат бозорини шакллантиришнинг муҳим иқтимоий замини сифатида мактабдан ташқари машғулотларни ташкил этиш бўйича илмий изланишларни янада чуқурлаштириш даркор.

РАҚОБАТБАРДОШ РАҚАМЛИ ЖАРАЁНИДА ТУРИБДИ



– Сизнингча, рақамли иқтисодиётнинг асл мақсади нима? Буни оддийроқ тилда, мисоллар билан тushунтириб берсангиз.

– Менинг фикримча, рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг рақобатбардошлиги, авваломбор, турли даражадаги ҳар хил тармоқларда ривожланган ва рақамли технологияларни қўллай оладиган етук кадрлар салоҳияти билан белгиланади. Турли даражада деганда – глобал даражада, давлат даражасида (электрон ҳукумат), корпоратив даражада (хусусий компаниялар) ва индивидуал-ижтимоий (ижтимоий тармоқлар) даражасида тушунилади. Яъни, рақамли иқтисодиётнинг асл мақсади ёки бошқача қилиб айтиладиган бўлса “драйвери”ни – бу юқори маълумотли етук инсонлар, сифатли ва қўлай яшаш шароитлари, деб тушунаман. Барчаси инсон учун десак ҳам бўлади. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, рақамли иқтисодиёт – демократик жамиятдан юқорилаб, фуқаролик жамиятига ўтишимизнинг энг асосий шартларидан биридир.

Рақамли иқтисодиётда инсон, тақдор айтаман, айнан инсон инновацион ўсишнинг асосий омилига айланмоқда. Иқтисодиётнинг бу тармоғида инсон капитали ахборот таркибига эга, янги ахборот ва тармоқ хусусиятларини, функция ва компетенцияларини эгаллайди.

Аниқроқ айтиладиган бўлсам, бугунги кунда бизнинг иқтисодиётимиз гипер рақобатбардош рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида турибди. Бу эса замонавий рақамли иқтисодиёт талабларига мос келадиган ривожланган ахборот ва тармоқ хусусиятлари ҳамда малакасига эга инсон капиталининг ташувчиси бўлган юқори малакали мутахассисларни талаб қилади. Бу шахсий фикрим, албатта.

– Иқтисодиётнинг бу йўналиши ҳаёф тугдирishi ҳам мумкинми? Масалан, ишсизлик муаммосини келтириб чиқариши, одамларни дангаса қилиб қўйishi ва ҳоказо...

– Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг, энг аввало, мактабларда жорий этилиши ёшларда кенг дунёқара-

ни шакллантиришга кўмаклашади: ақлли, юксак даражада таълим олган, маданиятли ва жисмоний соғлом, ўзларининг хориждаги тенгдошларига ҳеч қачон бўш келмайдиган шахслар бўлиб етишишига ёрдам беради. Ушбу ғояларнинг амалга оширилиши мамлакатимиздаги беш миллиондан зиёд ўқувчиларнинг ўз келажagini ишонч билан кўриши, фаол инсонлар бўлиб етишиши ва Ватан равнақига ҳисса қўйишига хизмат қилади.

Инсон капиталининг амалда тўпланган хусусиятлари ва сифатини аҳолининг иқтисодий фаоллиги, ишсизлик даражаси, жон бошига тўғри келадиган даромадлари ҳамда бошқа кўрсаткичлар каби ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий анъанавий белгилари орқали баҳолаш мумкин. Ўзбекистоннинг ялли ички маҳсулоти, 2019 йил якунига кўра, жорий нархларда 511,8 триллион сўмини ташкил этди ва 2018 йилга нисбатан реал тарзда 5,9 фоизга кўпайди. Ялли ички маҳсулотнинг ўртача йиллик ўсish суръати 2010-2019 йиллар мобайнида 7,13 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон таълим тизими узок муддатли истиқболда барча даражаларда – таълим бутун ҳаёт давомида (Lifelong Learning); таълим траекторияларининг мослашувчанлиги; таълим курсларининг модуллашуви инновацион ёндашувга асосланиши каби тамойиллар негизда улкан миқёсдаги трансформацияга эҳтиёж сезади. Бунда эътиборни шахсга хос ижтимоий кўникмалар ва амалиётга мўлжалланган предметли вазифаларни ҳал этиш кўникмаларини ривожлантиришга, шунингдек, таълимнинг замонавий методикалари, шакл ва инструментларини, жумладан, рақамли таълим воситалари ва масофавий таълим шакллари қўллашга қаратиш талаб этилади.

Ўзбекистонда бундай кадрларнинг касбий жиҳатдан ривожланишини таъминлаш учун талабалар ва салоҳиятли иш бевуқчиларнинг ҳамкорлик майдончасини тақомиллаштириш, технология компания ҳамда стартаплар ривож учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, бутун мамлакатда ҳаёт сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар кўриш зарур.

Энг кўп талаб қилинадиган технология йўналишлар бўйича янги компетенция марказларини ривожлантириш лозим. Меҳнат бозорида компетенциялар номуносивлиги мавжуд, бу эса бир пайтнинг ўзиде ишсизлик ва малакали кадрлар етишмаслиги бўладиган вазиятга олиб келиши мумкин. Ҳозирнинг ўзиде “XXI аср кўникмаларига эга” деб аталадиган, янгича фикрлайдиган, касбий кўникмалар билан бирга Digital Skills ва Soft Skills талабларини эгаллаган мутахассислар етишмаслиги қайд этилмоқда. Шунинг учун ҳам юртимизда кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, юртимизнинг барча вилоятларида IT-Парклар очилиши, давлат дастурига киритилган “Бир миллион дастурчи” ва рақамли технологияларни чуқур ўргатадиган ихтисослашган мактаблар бунга яққол мисолдир.

Умумий қилиб айтганда, аҳоли бандлиги масаласи бугунги коронавирус пандемияси шароитида янада долзарблик касб этмоқда. Маълумки, COVID-19 туфайли дунёнинг барча мамлакатларида ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бу глобал иқтисодиётнинг умумий муаммосига айланади. Ана шундай таҳликали шароитда Ўзбекистонда ушбу масала ҳукуматнинг доимий диққат марказида. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 22 апрел куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромади кескин камайишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

– Юқорида инсон капитали ҳақида кўп гапирдингиз ва мисоллар келтирддингиз. Сизнингча, бу универсал концепциями ёки ҳар қайси мамлакат унинг ўзига хос ва мос моделини яратгани маъқулми?

– Инсон капиталини юзага чиқариш икки жиҳатга боғлиқ. Биринчиси, биологик омил. Миллат характеридаги баъзи хусусиятлар наслдан-наслга ўтиши фанда исботланган. Жуда кучли қомусий олимларнинг авлодимиз – Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Фарғоний – узок давом эттириш мумкин. Бу ўзбек халқи генетикаси инсон капитали учун мустаҳкам асос бўла оlishини англатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тараққиётимизнинг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлигини таъкидлади. Бунинг моҳиятини, аввало, жамиятимиз, одамларимиз чуқур англаб етмоғи керак. Ҳар жиҳатда, соҳада қиладиган ишларимиз, режаларимиз, истиқболли дастурларимиз, таълим-тарбия ва кадрлар сиёсати, инвестицион сиёсат – барчаси унга шароит ва муҳит яратишга қаратилиши зарур. “Ренессанс” – маданият, илм-фан, санъат, таълим-тарбия, умуман, жамият ҳаётида узок муддатли турғунликдан кейин қайта жонланиб, тез ривожланиши, ижтимоий онг ва қадриятлар тизими янги сифат босқичига чиқишини билдиради.

Иккинчи омилга шуни айтишим мумкинки, устозим Қаландар Абдурахмонов мамлакатимизда меҳнат иқтисодиёти бўйича жуда катта илмий мактаб яратган. У кишининг “Меҳнат иқтисодиёти” китоби кўплаб хорж мамлакатларида чоп этилди. Мазкур китоб ва ушбу илмий мак-

таб яратилишига бош асос Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус деб биламиз. Буни қаранг, ҳар бир ташаббус алоҳида бир йўналиш. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан шахсан ўзимда оптимистик кайфият уйғонмоқда.

Инсон капиталининг ягона ўлчови мавжуд эмас. Баҳолаш методологияси ва мезонлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Шу боис, дунёда инсон капиталининг универсал қопил-андазаси бор, дея олмайман. Мамлакат уни ўзи билганича, ички имкониятларидан келиб чиқиб яратгани маъқул, менимча.

– Илмий ишларингизни бугунги фаолиятингизда қўллаяпсизми?

– Албатта, қўллаяман, устозларим ва илмий изланишлардан олган билимлар ўзим ишлаётган соҳага ҳамоҳанг. Ҳозирда чоп этилган ўқув қўлланма Пеханов номидан Россия иқтисодиёт университети Тошкент филиали илмий кенгаши томонидан тавсия этилган бўлиб, магистратура йўналишида фойдаланиляпти.

Ундан ташқари, Президентимизнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ичида айнан менинг йўналишимга тегишли бўлганларини бажаришда асқотмоқда. Шу ўринда айтиб ўтиш кераки, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси айнан замонга ҳамнафас ва актуал йўналишлардан бўлиб, у республикада рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда қишлоқ ҳўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга ёрдам беради.

– Илмий изланишлар қилишингиз ва ўз устизингизда ишлашингизга қимлар ёки нима туртки бўлган деб ўйлайсиз?

– Менимча, бу атрофимда доим илмий инсонлар бўлганига ҳам боғлиқ. Аввало, юқорида таъкидлаганимдек, илмнинг нақадар муҳимлигини кўнглимга солган бобом – профессор Абдуқодир Уралов, онам – профессор Мамлакат Маҳмадова. Тўғри йўл кўрсатиб, маслаҳатлар бериб, илми ўргатган – академик Қаландар Абдурахмонов, профессор Аҳмадбек Юсупов ва қолган устозларим.

Яна бир алоҳида ҳурматим бор инсон – соҳамиз раҳбари Шухрат Соҳидовнинг тизимда яратган муҳити, шароит ва имкониятларини биздек ёшларга янада кўпроқ ҳаракат қилишга ва ўз устида ишлашга ундайди.

Фурсатдан фойдаланиб, яқинларим, устозларим ва соҳамиз раҳбарларига ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Шунингдек, “Хабар” газетаси жамоасига ҳам алоҳида ташаккуримни айтмоқчиман. Мана беш йилдирки, ушбу газетага оилавий обуна бўлганимиз ва доим қизиқish билан ўқиб борамиз. Ижодий фаолиятларингизга омад тилайман!

Шоҳида ИСРОИЛОВА
суҳбатлашди

ПЛАТФОРМА CODE.ORG СТАЛА ДОСТУПНА НА УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ

IT-Park объявил о сотрудничестве с платформой Code.org — теперь и школьники получат возможность обучаться и осваивать профессии будущего. Совместный проект IT-Park, Code.org и Dubai Future Foundation предполагает доступ школьников Узбекистана к платформе и на узбекском языке.

Кроме этого, создана специальная учебная программа по основам информатики Hour of Code — серия видеоуроков из 200 часов занятий для пользователей от 4 до 18 лет.

Code.org — это некоммерческая организация, деятельность которой направлена на охват учащихся всех уровней подготовки и социального положения. Ее цель состоит в том, чтобы каждый ученик в школе имел возможность изучать информатику как часть основного образования. Спонсоры Code.org: Microsoft, Facebook, Amazon, Infosys Foundation, Google и другие.

На платформе Code.org зарегистрированы более 1,7 млн. учителей и более 53 млн. учащихся. Более 70 тыс. выпускников курсов получили работу в прошлом году.



«Я хочу пригласить всех родителей и учителей Узбекистана исследовать данную платформу и начать приносить знания всем школьникам. Code.org нацелен продолжать работу над развитием компьютерных наук в Узбекистане, чтобы все школьники смогли освоить нужные им навыки и помочь построить лучшее будущее», — отметил вице-президент по международному сотрудничеству code.org Леонардо Ортис.

Зимний Хакатон

СТАРТОВАЛ ОТБОР УЧАСТНИКОВ НА ЗИМНИЙ ХАКАТОН GAMEDEV GOETHE В AVENUE PARK


Все расходы, включая трансфер, проживание и питание, оплачивает Институт Гёте в Узбекистане.

Стартовал отбор участников на зимний хакатон GameDev Goethe, который пройдет в отеле Avenue Park 8-10 января 2021 года. Об этом сообщается в канале GameDev Goethe.

Участниками могут быть как активные резиденты инкубатора, так и все, кто интересуется разработкой игр. GameDev Goethe выберет пять участников, которым подарит путевки, стоимостью 1,5 млн сумов.

Все расходы, включая трансфер до отеля Avenue Park, проживание и питание в течении трех дней, оплачивают организаторы — Институт Гёте в Узбекистане.

Для участия нужно до 27 декабря заполнить анкету.



WINTER HACKATHON 2021

Транспорт

КАКОЙ ТЕПЕРЬ БУДЕТ ОПЛАТА ПРОЕЗДА В ОБЩЕСТВЕННОМ ТРАНСПОРТЕ

В репортаже канала TOSHKENT представители АК «Тошшахартрансхизмат» рассказали как будет происходить отказ от наличной оплаты проезда в общественном транспорте и какие преимущества это даст.

«С 1 января отменяются бумажные проездные билеты. Вместо них будут внедрены четыре вида транспортной карты: общая, студенческая, ученическая и пенсионная. Для каждой из них будут разработаны тарифы, которые предоставляют владельцам 50% скидку. Тарифы рассчитаны на 5, 10, 15, 20 и 30 дней, таким образом, можно использовать карту в нужный временной промежуток», — рассказал пресс-секретарь АК «Тошшахартрансхизмат» Азимжон



Махаммаджонов.

Кроме того, транспортная карта, подобно банковской выдается на 5 лет и имеет возможность привязки к мобильному номеру владельца и в случае утери, можно будет ее заблокировать или перевести оставшиеся на утерянной кар-

те средства на новую.

Еще одним преимуществом ввода в оборот транспортных карт станет полный отказ от наличной оплаты, что устранил постоянную проблему со сдачей и уменьшит риски заражения в период пандемии.

При переходе на полную автоматизированную систему оплаты проезда в транспорте кондукторы будут выполнять роль контролеров и займутся проверкой оплаты за проезд с помощью валидаторов.

Опрошенные в репортаже водители и пассажиры общественного транспорта подтверждают удобство и надежность новой системы оплаты. По их словам, это экономит время, деньги и устраняет человеческий фактор.

Компания Samsung Electronics объявила о том, что в партнерстве с Intel была достигнута производительность ядра автономной (SA) сети 5G в 305 Гбит/с на сервер при сокращении задержки в среде мобильной сети с активированными коммерческими функциями. Такой показатель пропускной способности был обеспечен сервером на базе процессора Intel Xeon 2-го поколения и сетевого адаптера Intel Ethernet E810 с расширенной динамической персонализацией устройств (DDP).

Отмечается, что пропускная способность 305 Гбит/с эквивалента объему данных, поступающих от более 200 тыс. пользователей, которые одновременно транслируют видео стандартного разрешения (SD).

В нынешнем квартале поставки подключаемых к телевизорам устройств добьются очередного рекорда, — общает Strategy Analytics. Глобально будет отгружено не менее 111 млн. различных продуктов, что на 32% больше в квартальном сравнении и на 6% лучше результата предыдущего года.

Благодаря крайне успешной финальной четверти рынок подключаемых к ТВ продуктов по итогам 2020 г. выйдет на поставки в размере 315,6 млн. шт. Как итог, результат годичной давности будет улучшен на 6%.

Лучшим вендором квартала останется Amazon, продажи которой составят не менее 12,8 млн. подключаемых устройств, а расположившиеся следом Samsung и Sony отгрузят около 12 млн. устройств каждая.

Reuters не раскрывая источники сообщила, что в Купертино ведутся активно разработки автомобиля и по планам Apple первая его модель появится в 2024 г.

Слухи о том, что Apple нанимает сотрудников и разрабатывает собственный электромобиль распространяются уже давно. Даже якобы существовал соответствующий Project Titan с 2014 года. Дуг Филд, ветеран Apple, работавший в Tesla, вернулся в компанию, чтобы возглавить проект в 2018 году, и уволил 190 человек из команды проекта год спустя.

Якобы с тех пор компания достаточно продвинулась вперед, и теперь нацелена на создание автомобиля для потребителей, сообщили Reuters сразу два человека, знакомые с деталями проекта, но попросили не называть их имен, поскольку планы Apple пока не разглашаются.

Как отмечают многие эксперты, создание автомобиля представляет собой проблему для цепочки поставок даже для Apple, компании с большими запасами наличности, которая ежегодно производит сотни миллионов устройств. Но автопром несколько иначе устроен и даже Tesla Илона Маска потребовалось 17 лет, прежде чем компания наконец-то превратилась в прибыльного производителя автомобилей.

23 декабря Telegram представил 12-е обновление за год. В нем появились голосовые чаты — аудиоконференции нового типа, к которым участники группы могут подключаться в любой момент.

В любой группе теперь можно запустить голосовой чат параллельно с обычной перепиской — текст и голос будут органично дополнять друг друга в едином пространстве.

В отличие от обычных звонков, участникам не обязательно договариваться о времени: голосовой чат открыт для них всегда. Он может служить виртуальным офисом или площадкой для неформальных разговоров, которые не оставят следа в истории сообщений. В голосовых чатах крупных сообществ могут завязаться неожиданные знакомства.

Тошкент вилоятидаги “Олмалиқ кон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти республикамиздаги йирик қазилма ва табиий ресурсларга эга. Бу йил пандемия шаронтида бутун дунёда иқтисодий танглик ўз кучини кўрсатди. Аммо қаердаки иш режа билан амалга оширилса, ҳар қандай шаронтида ҳам мақсадга эришилади. Кунни неча оммавий ахборот воситалари вакиллари учун “ОКМК: йил якунлари. Амалга оширилган ишлар ва келгуси йил режалари” мавзусида ўтказилган медиа-тур давомида комбинат томонидан 2020 йилга белгиланган прогноз ва экспорт режалари деярли ортиси билан бажарилганининг гувоҳи бўлдик.



“ОЛМАЛИҚ КМК”НИНГ МЎЪЖИЗАЛАРИ

“Ёшлик I” кони янги техникалар билан бойитилди

Махсус автобус иштирокчиларни “Ёшлик I” конига кузатиб қўйди. Эндигина 40 метр қовланган яна 400 метр қовлаштириш режалаштирилган бу баҳайбат очик кон ўз бағрида қанчадан қанча қимматбаҳо қазилмаларни сақлаётган экан, деган фикр ўтади ҳаёдан. Бир чеккасида озроқ сув йиғилган, яна бир чеккасида яшил, кўнғир тупроқ кўзга ташланади, яна бир бурчагида эса булаканишга тайёрлаб қўйилган катта катта тошлар. Ҳув нарироқда ишчи поезд маъданли тошларни ортмоқлаганча манзили томон секин силжийди. Очик осмон остидаги кон бургуларнинг шиддатли овози, ҳўжрачадай келади шинали “БелАЗ”ларнинг гулдурган товуши билан ҳамоҳанг тарзда юракда гулгула уйғотди гўё. Ва шу билан бирга, бу ерда ишлаётган ҳар бир ишчининг меҳнати қанчалар масъулиятли ва оғир эканлигини ҳис қиласан.

– “Ёшлик I” конини ўзлаштириш” лойиҳасини икки навбатда амалга ошириш кўзда тутилган, – дейди Қалмоқир кон бошқармаси ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи Аъзам Асқаров. – Жумладан, 1-навбат 1-босқичида “Ёшлик I” кони ўзлаштирилди ҳамда йилга 60,0 млн. тонна маъданни қайта ишловчи янги 3-Мис бойитиш фабрикаси қурилади, мўлжалланган иккинчи навбатда эса Мис эритиш заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва реконструкция қилиниши кўзда тутилган. Лойиҳанинг I-босқичи амалга оширилиши натижасида комбинат томонидан маҳаллий хом-ашёдан олинган мис катодининг ҳажми 108 минг тоннадан 290 минг тоннага, олтин 15 тоннадан 38 тоннага, қумуш 96 тоннадан 203 тоннага етказилишига эришилади. Лойиҳанинг II босқичида қарер кенгайтирилади, шунингдек, йилга 50,0 млн. тонна рудани қайта ишловчи янги 4-Мис бойитиш фабрикаси қурилади.

2020 йилнинг энг муҳим во-

қеаларидан яна бири “Олмалиқ КМК” АЖ ўзининг тарихида илк бор “Катта тўртлик” компаниясидан, халқаро аудиторлик ташкоти “Ernst & Young” (EY) томонидан комбинат молиявий ҳисоботларининг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ тайёрланган дастлабки консолидацияланган молиявий ҳисоботга аудиторлик хулосасини олишга эришгани бўлди. Мазкур хулоса натижасида комбинат халқаро кредит рейтингини олиш ва “Ёшлик-I” конидаги инвестицион лойиҳаларни самарали молиялаштириш бўйича халқаро молия институтларини жалб қилиш имкониятига эга бўлди.

Баҳайбат мўъжизалар

Конга тушмасингиздан олдин узокдан техникалар дастлаб митти кўринадди, яқинлашганингиз сари эса баҳайбатлашиб бизни ҳайратларга чулғайверади. Битта самовсалининг етти вагонга ортиб олиб келиниши, уларнинг йиғилиши учун 2-3 ой сарфланишидан тасаввур қилаверинг бу техникаларнинг салоҳиятини.

Масалан, Россиядан келтирилган 25 кубометр челаки экскаватор “БелАЗ”га 220 тонна юкни 7 дақиқада юклайди.

– Режага кўра яна 1 дон худди шундай экскаватор олиб келинади. Регламент бўйича битта экскаваторни 90 кунда йиғиш мумкин. Бироқ ишлаб чиқариш завод вакиллари ва мутахассисларимизнинг сазў-ҳаракати билан бу жараён 30 кунда амалга оширилмоқда, бу валютани тешашга

ёрдам беради, – дейди ОКМК бошқаруви раисининг транспорт ва логистика бўйича ўринбосари Рустамбек Санақулов. – Бундан ташқари, қонда кенг фойдаланиладиган йирик транспорт воситаси бўлган “БелАЗ” русумли автогигантлар ҳам келтирилмоқда. 220 тонна юк кўтариш қувватига эга бўлган “БелАЗ-75307” русумли автогигантлардан 30 донга яқин олиб келиниши режалаштирилган. Бугунги кунга келиб 8 донга йирик автосамовалларда тош масасини юклаш ва ташиш ишлари олиб борилмоқда.

Онлайн назорат

Бу йилги пандемия бизни онлайн ишлашга, рақамли ҳаётга ўргатди. Рақамли фаолият кириб бормаган соҳа қолмади. Айниқса, жуда катта худудни эгаллаган мана шундай конларда ишни кузатиш учун шу пайтгача қанча ишчи, ҳаракат, техника оворга эди. Бугун эса... Тўрт нафар мутахассис бир хонада ўтириб, техникаларнинг ҳаётида тўхтаб турганини, қайси рақамли техника қаерда кетаётгани, неча марта қатнаганини онлайн назорат қилади. Ҳар бир техниканинг паспорти компьютерга киритилган. Энди техника ҳайдовчилари қўлида гижимланган ҳужжат билан юрмайди. Барчаси онлайн амалга оширилади.

– “Рақамли ОКМК” дастури бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ТТБ бошлиғи Алексей Харин. – Бу ерда ҳар бир техника воситаси онлайн тартибда назорат қилиб борилади. Мабодо технологик транспорт

воситаларида носозлик кузатилса, махсус қурилма ёрдамида ушбу носозлик ҳақидаги маълумотларни механик координация бўлимига онлайн равишда етказилади. Натижада юзага келган носозликни тезлик билан бартараф этиш чоралари кўрилади. Ишчи гуруҳи жўнатилади. Бу эса вақтдан унумли фойдаланиш дегани. Таъмирланаётган техника воситалари ҳам ўз вақтида маълумотлар базасига киритиб борилади. “Рақамли ОКМК” дастури асосида кон транспорт мажмуаси диспетчерлаштирилади. Бунда кон техникаларига автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этиш кўзда тутилган.

Мис бойитиш фабрикасида пресс-филтр

Реконструкция ишлари доирасида фабриканинг филтрлаш ва қуриш участкасига ўрнатилган янги пресс-филтрлар ҳам компьютер орқали бошқарилади. Ишлаб чиқариш жараёнида мазкур филтрларнинг самарадорлиги юқори бўлиб, яқин кунларда босқичма босқич ишга туширилиши кўзда тутилган. Халқаро муҳандислик Академияси академиги, халқаро эксперт Александр Даниленко пресс-филтрларнинг техник хусусиятлари, технология ишлаб чиқариш жараёнидаги самарадорлиги ҳақида иштирокчиларга маълумот берар экан, бу техниканинг юртимизга мослигини исботлаш, уни жойлаштириш ва ишга туширишнинг ўзи қанча машаққат ва меҳнат талаб қилганини англаш қийин эмас.

Саховатдан четда туриш ҳақида

Олмалиқ кон-металлургия комбинати ҳам юртимизга келган синовларга бефарқ қараб турмади. COVID-19га қарши курашда аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон меҳршафқат ва саломатлик” жамоат фондига 2,0 млрд. сўм миқдоридagi маблағни ўтказиб берган бўлса, Тошкент вилояти “Маҳалла” хайрия жамоат фондига ҳам 2,0 млрд. сўм миқдоридa ёрдам кўрсатди. Шунингдек, Тошкент вилояти учун 7,762 млрд. сўмга 55та



Пандемия даврида комбинат тиббиёт муассасаларига суткасига 40 тоннадан зиёд кислород етказиб бериб, минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга муносиб ҳисса қўшди.

тез ёрдамга мўлжалланган транспорт воситалари ва Олмалиқ шаҳри учун уч донга “ISUZU” русумли тез ёрдам автомашиналари сотиб олинди. Урта Чирчиқ туманида карантин зонаси қурилишида ҳам фаол иштирок этди – беморларни доволаш учун бир неча юзлаб ўринга эга махсус жойларни жиҳозлашда ҳам амалий ёрдам кўрсатилди. ОКМКнинг маблағлари ҳисобига Олмалиқ шаҳрида Вирусология лабораторияси қурилди ва замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланди. Пандемия даврида комбинат тиббиёт муассасаларига суткасига 40 тоннадан зиёд кислород етказиб бериб, минглаб беморларнинг ҳаётини сақлаб қолишга муносиб ҳисса қўшди.

Ғамхўрлик энг олий мақсад

Комбинат томонидан пандемия даврида аҳоли ва ишчи-ҳодимлар саломатлигини муҳофаза этиш мақсадида, умумий ҳисобда жами 11 млрд. 209 млн. сўмлик маблағ ажратилди. Замонавий, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган тарзда реконструкция қилинаётган санаторий-профилакторийни кўриб ҳар бир иштирокчининг ҳаваслангани ҳам бор гап. Мазкур сихатгоҳда комбинат ишчилари даврий тиббий кўриқдан ўтганларидан сўнг, меҳнат таътили давомида ўз соғлигини тиклаши мумкин. Бундан ташқари, ишчи-ҳодимларнинг оила аъзолари ҳам бу ерда тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга экан.

Комбинатда спортни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилгани боис ютуқларини санаб адо қилмайсиз. Бу энди алоҳида мавзу.

Барно СУЛТОНОВА,
“Xabar” мухбири



ЖИГАРЛАРНИ АЙИРГАН МЕРОС

Эргашали ака қишлоқда ягона махсидўз. Қиш-қировли кунларда уйдан миқозлар аримайди. Аммо “сезон” бўлмаган пайтлари рўзгор аравасини тортиш бироз қийинроқ кечади.

Куз ойининг бошларида ҳарна тирикчиликка ёрдам деди-ю тиккан махсиларини сумкага жойлаб, эрта тонгдан бозорга отланди. Бир ҳафта давомида тиккан махси-ковушларини пуллаб, қайтишда рўзгорга ул-бул олди. Шаҳрисабз бозорига кираверишдаги кўзга ташланадиган жойда ўтирган Абдурахмон қандолатчи холваларидан олиб кетмаса бўлмайди. Айниқса, қизи Лобарнинг жону дили холва. Эргашали йул-йўлақай бир килограмм анжир ҳам сотиб олди. Лобар иссиққина нонга анжир қўшиб ейишни яхши кўради. Кеча дадаси бозорга боришини эшитиб қолиб: “Дада бозорга борсангиз холва билан анжир олиб келинг”, деб илтимос қилганди. Саргайиб пишган анжирдан сотувчи қўм-қўк барглр устидга авайлабгина солиб берди. Уйга пешинга яқин кириб борди. Лобар билан Акмал мактабга кетган, бугун Шариф бормаган экан. Кеча футбол ўйнаб чап оёғини қайириб олганини онаси айтганди. Эргашали ака бозордан олиб келган нарсаларини сўри устида қолдириб, ўзи чойхонага чиқиб кетди. Ҳамида опа қишлоқ чеккасида яшовчи синглизиникига кетганди. Уйда ёлғиз қолган Шариф отаси олиб келган ширинликларни паққос туширди. Ичидаги бир дўсти озгинасини синглиси билан укасига олиб қўйишини илтимос қилса, бир душмани, “Нима қиласан, ўзи йўқни юзи йўқ”, “Безнинг иши эса беш, бемалол еб қўявер. Улар уйда йўқ бўлса сезишмайди”, деб ақл ўргатарди. Тушдан кейин опа-укалар мактабдан кела солиб акасида дадаси нима олиб келганини сўрашди. Айниқса, Лобар сўри устида очик қолган пакет ичидаги холва ушоқларини кўриб, кўзидан ёш чиқиб кетди.

– Ака, нега менга олиб қўймадингиз? Ахир мактабда тушлик ҳам қилмадим.

– Нима қипти, шунгаям ота гўри қозихонами? Нима сенинг мактабдан келиб, холвани ейишингни кутиб ўтиришим керакми?

– Дадам бир ўзингизга олиб

келмаган, бизниям насибамиз бор.

– Сен ҳали менга насиҳат қиладиган ёшда эмассан. Бор ишингни қил, аям холамникига кетган, сени бир дунё иш кутиб турибди.

Лобар акасининг бу одатидан норози бўлиб, кўрпага ўраниб ётиб олди. Аяси буюриб кетган ишларни бирортасиниям бажармади. Ахир акасида жаҳли чиқишига ҳаққи бор. Бу биринчиси эмас. Ҳар доим укаларининг насибасини еб қўяди. Аяси ҳам шу акасига укаларининг ризқини олиб қўйишни ўргатмади-да. Бир сафар Лобар акаси унга аталган шоколадни еб қўйганида аясига шикоят қилганида, акасига танбех бериш ўрнига Лобарга пул бериб: “Бор дўқондан ўзингга олиб келгинда, захри махринга еб олиб, овозингни ўчир”, деганди. Ушандан буён бу ҳақда оғиз очмай қўйган. Бу сафар акасининг қилиқлари хикматдоғига келтирди. Хўп, холва билан анжирни паққос туширибди, ҳеч бўлмаса анжирнинг пўчоқларини чиқинди челагига солиб қўйса бўладик. Анжирни у киши ейди, чиқиндисини Лобар тозалаш керакми? Ҳаҳ сеними, ҳали шошмай тур. Катта бўлсам, барибир ҳаққимни айириб оламан.

Вақти-соати етиб Лобар турмушга чикди. Аммо эрининг ношуд, мастулитсизлиги туфайли жуда кўп қийинчиликлар кўрди. Икки боласи билан ижара уйларда яшашга мажбур бўлди. Қийинчиликларга бардош беришни истамаган эри хорижга ишлашга кетди-ю шу бадал қорасини кўрсатмади. На ундан хат-хабар бор, на бир-икки сўм маблағ. Лобар аёл боши билан икки боласини едириб-ичиришга қийналди. Синглизини ҳали у қишлоқда, ҳали бу қишлоқда кўчиб юрганини эшитган аканинг ор-номуси уйғоғнади. Онасининг кистови билан Лобар ота уйга қайтиб келди. Қайси келин турмушга чиққан қайсинглизини уйига сиғдиради дейсиз. Шарифнинг хотини Каромат ўзига тўқ оилдан, дадаси унга алоҳида уй олиб берганди. Аммо икки ўғли бўлгани учун қайнотасининг ҳовлисидан

умидвор келин янги уйга кўчиб ўтишни истамади. Лобар қайтиб келганидан сўнг ака-сингил ўртасида кўринмас девор тортиш учун ҳеч ким ўқий олмайдиган пинҳона сценарий туза бошлади. Шарифни синглизига қарши қайраб, ўзи бир четда томошабин бўлиб туришни одат қилди. Бир куни кечки овқат маҳали уйда жанжал чикди. Каромат ўзининг болаларини косасига катта-катта бўлак гўшт солиб, Лобарнинг болаларини косасига гўшт солмабди. Кенжатоий Жавоҳир тоғасининг ўғлини косасидаги гўштга кўзи тушиб қолиб: “Мен ҳам гўшт ейман”, деб хархаша қила бошлади. Лобар қўлидаги қошиқ билан иккала ўғлининг косасидаги овқатни текшириб кўрди. Ақалли бир донагина бўлса ҳам гўшт солилмаган.

– Келинойи, нега менинг болаларимга гўшт солмагансиз?

– Болаларингиз етим эмас, отаси бор, олиб келса пишириб бераман, – деди Каромат захархандалик билан.

Эргашали ака келинига бир ўқрайиб қаради-ю ўзининг косасидаги гўшт бўлақларини невараларининг косасига солиб берди.

Уша куни кечки овқатдан сўнг Эргашали ака билан Шариф тортишиб қолишди. Уғил отасига аралашманг деди. Эргашали ака бу уйда синглизининг ҳам ҳаққи борлигини, кўзи очик экан уни кўчага хор қилиб ташлаб қўймадлигини айтганида, Кароматнинг кўзлари косасидан чиқиб кетай деди.

Бу орада қайсингил ва келин ўртасида анчагина гап-сўзлар бўлиб ўтди. Уйда тинчлик йўқолди. Лобар болаларини ота-онасига омонат қолдириб, ўзи ишга кирди. Қўлидан келганича рўзгорга ул-бул кўтариб келишга уринди. Унинг фикру хаёли икки ўғлини акасининг болаларидан кам қилмай ўстириш эди. Акаси ўғилларига нима олиб берса, у ҳам болаларига шундай нарсаларни олиб берарди.

Бир куни ишдан қайтса жияни Олим кенжатоий Жавоҳирни ерга тепкилаб уярпти. Ота-онаси тўйга кетишган. Ҳовлида ҳеч ким йўқ бўлса

керак, деб ўйлаган Лобар зўравон жиянининг кафтидан тутиб, дакки бераётганида ичкаридан келинойиси ўқдек отилиб чиқиб, уни ҳақоратлай бошлади. Лобар ҳам бўш келмади. Оғизда бошланган айтишув, даҳанакан жанг билан якунланди. Бу оиладаги можарога маҳалла оқсоқоли ҳам аралашшига мажбур бўлди. Аммо низо кундан-кунга катталаша бошлади. Бу орада Эргашали ака юрак хуружидан оламдан ўтди. Ака-сингил ўртасида қозичилик қилишдан зериккан Ҳамида опа ҳовлини қизининг номига васият қилиб берди. Буни эшитган Шарифнинг тепа сочи тикка бўлди. Энди булар эрхотин бир тараф, онаси ва синглизини бир тараф бўлиб олишди. Ҳовлининг ўртасидан тортилган девор ака-сингил қалбидаги нафратни катталаштирса катталаштирдик, асло қамайтирмади. Лобар ҳам ёши улғайиб ҳақ-ҳуқуқини танийдиган бўлиб қолди. Эридан умидини узиб, келажак учун курашишга киришди. Бир пайтлардаги юрагининг қат-қатига беркиниб олган қасос ўти уни жаҳл отига миндирди. Энди у аввалги мулоим, меҳрибон, акаси ҳаққини еб кетса ҳам йиғлаб-йиғлаб юпанадиган Лобар эмас. Энди у оғиздагини бировга олдириб қўймайдиган, иккита боласини хор қилганларга қақшатқич зарба берадиган жоҳил, телба аёлга айланди. Илгари келинойисининг қилиқларини кўриб кўрмаганга олар, эшитиб эшитмагандай индамай кетаверарди. Энди эса бўш келиш йўқ. Ҳамида опа ака-сингил ўртасидаги жанжалдан безиб, келинини отаси олиб берган уйга чиқиб кетишини айтганида, келин уввос солиб йиғлади.

– Агар васиятингизни қайтариб олиб, уйнинг ярмини менинг номимга ўтказиб бермасангиз, гўрнингизда тикка туришга мажбур қиламан!

Келинойисининг онасини ҳақорат қилаётганини эшитган Лобар жаҳл устида ерда ётган тешани Кароматга қараб отди. Теша тўғри бориб унинг елкасига тегди ва жароҳатлади. Қайсинглизининг худди шундай хато қилишини кутиб турган Каромат ички ишлар ходимларига даъво қилди. Суд бу оиладаги маънавий муҳитни ўрганиб чиқиб, Лобарга нисбатан тегишли жазо чорасини тайинлади.

Лобарку қилган гуноҳи учун қонун олдида жазосини олди. Нима бўлганда ҳам у қўлга эрк бермаслиги, оғир-босиқлик билан иш тутиши керак эди. Муаммони жаҳл билан ҳал қилиб бўлмадлигини тушуниб етди ва ҳаммадан узр сўради. Аммо синглизининг ҳаққини болаликдан ейишга ўрганган ака маҳалла-қўй олдида қандай қилиб бош кўтариб юраркин? Фарзандларига бировнинг ҳаққини ейиш гуноҳ эканини ўргатмаган она-чи? Бир ёстиққа бош қўйган, бир умрлик йўлдошининг синглизини жазога тортилишига ҳисса қўшган келинойи-чи? Ахир бежизга келин сўзидан кейин оиди деган сўз қўшилмаганку. Бу дегани, сен бу оиладаги қайнона-қайнотанг учун келин бўлсанг, кичиклар учун оясан, дегани эмасми? Мана шу мақомга лойиқ бўл дегани эмасми? Хулоса сиздан қадрли газетхон.

Нигора РАҲМОНОВА
журналист,
Лазиза РАСУЛОВА,
Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз шаҳар суди раиси

Холамининг қизи Тошкент шаҳрига келин бўлиб тушган. Шу кунларда фарзанд ҳам кўрди. Тўйига боролмаганим учун онамининг қистови билан чақалоқ йўқловига борадиган бўлдим. “Бормасанг бўлмайди, қизим. Ишингни баҳона қилма, сенинги ишинг тугармиди? Агар бормасанг, қара...”. Катталар ажойибда, қариндош-уруғни бир-бирига боғлаб турадиган шулар. Майли, борига шукур!



АЛДАНГАН ҚИЗЛАР

Ёхуд синалмаганнинг сиртидан ўтма

Яқинда бир ғалати воқеа бўлди.

Аксига олиб, барибир ишим чиқиб қолди ва қариндошларим билан бирга кетолмадим. Бир-икки соатлик зарур ишларимни битирдим йўлга чиқдим. Машинанинг орқа ўриндиғида мен ва икки қиз. Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик.

– Тошкентга нега кетяпсизлар?

– Тошкентга эмас, Ангренга, ишлагани кетяпмиз.

– Аввал ҳам ишлаб келган-мисизлар?

– Йўғее, – деди бири, – бу менинг қишлоқдан биринчи бор чиқишим, ишни бошлаб олсақ, Тошкент яқин экан. Худо хоҳласа, ишдан ортсақ, кейинроқ Тошкентни ҳам айланиб келаемиз.

Ҳали иш бошламасидан қизлар юрағида бир олам завқ-шавқ, дунё-дунё орзулар, кўзларида хурсандчиликни сезмасдан иложи йўқ.

– У ерда нима иш қиласизлар?

– Новвойлик билан шуғулланадиган танишларимиз бор, ўшалар чақирришди.

– Аввал нима иш қилардинглар?

– Фермерда ишлаганмиз.

– Ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу торози дейишадди, – эшиттасизлар-а, бошқа жойда ишлаш қийин. Узоқнинг буғдойидан, яқиннинг сомони яхши. Яқинларингиз ёнида бўлганингизга нима етсин, – дедим уларнинг ёш эканини, аёллигини назарда тутиб.

– Шундай-ку-я, лекин ҳозир фермерларда иш йўқда барибир, опа, – дейишди улар.

Суҳбатимиз янада қизиди.

Хуллас, қизлардан бирининг исми Нозима бўлиб, боласи билан ишқамас эридан ажрашган экан. Дадаси эрта вафот этган, ҳозирда онаси ва акаси билан яшаркан. Лекин акасининг ҳам уч боласи

борлиги, оиласини зўрга боқаётгани учун ишламаса бўлмастегини айтди.

Иккинчиси ўзини Сайёра деб таништириб, ўғай она кўлида эканини билдирди. Она “Ўзининг сарпояингни ўзинг қил”, дебди. Ҳеч бўлмаса, бирор йил ишлаб, ўғай онасига оғирлиги тушмаслигини кўрсатиб қўйиш учун йўлга чиққанини айтди.

Бу орада иккаласи ҳам дам SMS, дам телеграмм орқали кимлар биландир тинимсиз гаплашиб кетишяпти.

Улар ўзига оро беришган бўлса-да, гап-сўзларидан оддий қишлоқ қизлари эканлиги билиниб турарди, аммо кўлларидан телефон тушмасди.

Қизиқувчанлигим сабаб, жим кетолмай, яна саволга тутаман.

– Ишқилиб, танишларингизни яхши биласизларми, ҳамқишлоқ ёки қаришдошингизми? Ҳарқалай узоқ йўл, ёш экансизлар...

– Телеграмда танишиб

қолганмиз, лекин ишонарли.

– Йигит кишими? Қачон танишгансизлар? Кўрганмисиз ўзини? – бироз энсам қотиб сўрадим.

– Ҳа, нима қилибди. Танишганимизга анча бўлган, – дедию синчков қиёфамдан, гапимдан норози бўлди шекилли, “сенга нима” дегандек юзини дугонаси томон буриб олди ёнимда ўтиргани. Демак, гап-лашгиси келмаяпти...

Машина ойнасидан ташқарини кузатиб кетяпман-у, хаёлим уларда. Йигирмадан энди ошган икки дугона, қишлоқдан ташқарига чиқмаган, аниқроғи, шаҳар кўрмаган қизлар. Қандай қилиб телеграмда танишган одамига бунчалик ишонишади...

Шу пайт улардан бирига телефон бўлиб қолди.

– Йўлдамиз, Сарвар ака. Бирор соатларда етиб борамиз, ўзингиз кутиб олмасиз-а?

Сарвар акасидан яхши жавоб олди, шекилли, юзи ёришиб, шеригига юзланди: “Хавотир олма, Сарвар аканинг ўзи кутиб оларкан”.

Майли, адашибман, шекилли. Яхши инсонлар ҳам кўп-ку, қизлар ҳам анча қийинчилик кўрган экан, омадини, бахтини берсин.

Ангрен шаҳрига кириб бордик. Ҳайдовчи қизларга юзланди:

– Ангреннинг қаерида тушасизлар?

– Ангренга кирганда бозор бор экан-ку, ўша ерда тушамиз, – дея ҳалиги қиз яна Сарвар акасига кўнғироқ қилди.

– Сарвар ака, биз етиб келдик.

У томондан жавоб бўлгач, қиз Ҳайдовчига деди:

– Бозорга қираверишда кутиб оларкан.

Бозорга ҳам етиб келдик.

– Қизлар, қани акангиз, йўқ-ку.

– Ҳозир, телефон қилай...

Шопир ака, нарёғдаги бозор экан.

Яна бироз юрдик.

– Қизлар, мана бозор, чақиринг акангизни.

– Иее, телефони хизмат доирасидан ташқари бўляпти... – деди ёш жувон бироз ранги оқариб.

– Қизлар, сизларни олиб юргани вақтим йўқ. Ҳали бошқаларни ҳам манзилига етказишим керак.

– Шопир ака, бироз шошманг, илтимооос.

Ўн дақиқа, яна 15 дақиқа Сарвар акасини кутдик. Қани энди кела қолса. На ўзи бор, на телефони “хизмат доираси”га қиради.

Қизлар дам телефон қилар, дам SMS ёзарди. Жавоб эса йўқ, ўша ерда салкам икки соатча қолиб кетдик.

– Шопир ака, илтимос, яна бироз тўхтаб туринг, бизнинг кетгани пулимиз ҳам йўқ... – Иккиси ҳам йиғлаб юборгудек ҳолатда эди.

Ҳайдовчи инсофли йигит экан, уларни ташлаб кетмади, лекин жаҳли чиқаётгани сезилиб турарди.

– Сўжай десаам, ўзи шундоғам эзилиб турибсизлар. Синглимдан ҳам ёш экансизлар, бало бормиди ёлғиз узинларга...

Эҳҳ... Машинада ўтира туринглар, қолганларни ташлаб келиб, уйинларга олиб бориб қўяман.

– Акам мени ўлдирди энди, ўзи зўрга жавоб берганди – Нозима йиғлашга тушди.

– Сайёра унга қўшилди...

– Бу ҳам хайрликкадир қизлар, йиғламанглар.

– Опа, сиз қўйналмаган

“**Машина ойнасидан ташқарини кузатиб кетяпман-у, хаёлим уларда. Йигирмадан энди ошган икки дугона, қишлоқдан ташқарига чиқмаган, аниқроғи, шаҳар кўрмаган қизлар. Қандай қилиб телеграмда танишган одамига бунчалик ишонишади...**”

қўринасиз, ахир ўғай аям билан уришиб йўлга чиққандим. Агар ёнига шундай қайтсам, билмадим, кейин менга таъна қилавериб... қандай яшайман энди... – Сарвар акага ишонгандим, ҳаммасини айтиб бергандим, одамни шунақа алдаш мумкинми?! – Бу сўзларни Сайёра йиғлаб-йиғлаб гапирарди.

Айни дамда қизларга танбех беришга ҳам, кўнглини олишга ҳам ожиз эдим.

Эҳҳ, содда синглиларима...

Тошкентга қараб йўл олдик, ҳаммамиз жим кетиб борардик.

Қизлар эса йўл бўйи бурунларини торта-торта, кўзда ёш билан ҳали ҳамон телефонга умид билан мўлтираб қараб ўтиришарди...

Малика АЪЗАМ

Педиятрлар ва болалар рухшунослари бир ярим-икки ёшгача болага умуман мобил қурилмаларни бермаслик, каттароқ ёшдаги болаларнинг эса девайслар билан ўтказадиган вақтини қатъий чегаралаш лозим, дейишади. Мутахассислар таклиф этаётган чекловларни кўриб чиқишдан аввал, мобил қурилмалар болажонларга қандай зарар етказишини англаш лозим.

1. УЙҚУНИНГ БУЗИЛИШИ


Лондондаги Бирбек университети мутахассислари 6 ойликдан 3 ёшгача бўлган 715 нафар болани текшириб кўриб, маълум қилишларича, смартфон ва планшетлар билан ўйнайдиган болалар бошқаларига қараганда камроқ ухлашади. Олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, қурилма экранни олдида ўтказилган ҳар бир соат бола учун уйқунинг 15,6 дақиқача камайиши, демакдир.

Мутахассислардан бири – Тим Смитнинг таъкидлашича, бир қарашда бу жудаям кам вақт туюлади, аммо болаларнинг тўғри ривожланиши учун уйқунинг ҳар бир дақиқаси муҳим. Тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, ҳаётининг илк йилида уйқу давомийлигининг қисқариши боланинг ривожланишида узоқ муддатли асоратлар қолдиради. Уйқу тартибининг ва уйқу кечилишининг бузилиши кейинчалик боланинг руҳий ва жисмоний саломатлигида, тафаккури тараққиётида ва дарсларни ўзлаштиришида муаммолар юзага келишига сабаб бўлади.

Айниқса, девайсларни уйқу олтидан ишлатиш кўпроқ зарар етказиши. Экранлар таратувчи мовий нур организмда уйқу гормони – мелатонин ишлаб чиқарилишини қийинлаштиради. Бу нафақат болаларга, бал-

Яна битта хавф – радиация: мобил қурилмалар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эҳтимолий канцерогенлар, яъни саратон сабабчиларидан бири сифатида эътироф этилган. Ўсиб нелаётган организм нурланшларнинг салбий таъсирига кўпроқ берилувчан бўлади.

Рақамли деменция: БОЛАГА ГАДЖЕТЛАР ЭМАС, ЖОНЛИ МУЛОҚОТ КЕРАК!



ГАДЖЕТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БОЛАЛАРГА ҚҲЙИДАГИЧА САЛБИЙ ТАЪСИР ЭТАДИ:

ки катта ёшдагиларга ҳам тегишлидир. Масалан, катталар смартфонга тобеликдан кутулишлари мумкин, аммо кичкинтойлар учун бу қийин кечадиган жараён.

2. ОРТИҚЧА ҚЎЗГАЛИШ ВА ПСИХИКАГА ТАЪСИР

Авлод алмашгани сайин гиперактив (ўта фаол) болалар сони ошиб бораётганлиги кузатилади. Экрандаги ёрқин ва тез алмашувчи тасвирлар асаб тизимининг йирик миқдордаги ортиқча қўзғалишларга олиб келади, бу эса мазкур тизим фаол шаклланишида бўлган паллада, айниқса, зарарлидир.

Ота-оналар кўпинча болани тинчлантириш учун унга девайсларни бериб қўйишади, бироқ бу билан фақатгина ундаги импульслик – ғайририхтиёр ҳаракатчанликни ошираётганликларини билишмайди.

Шунингдек, олимлар болалар орасидаги тажовузкорлик ва руҳий касаллик ҳолатлари-

нинг ўсишини технологиялар билан боғлашмоқда. Асаб тизимида бузилишлар юзага келган катталарнинг таъкидлашларича, шифокорларнинг уларга тавсияларидан бири – экран олдида (телевизор ёки мобил қурилма бўлишидан қатъи назар) камроқ бўлиш. Катталар учун чеклашаётган экан, демак, руҳияти ҳали ўта нозик бўлган болажонларнинг экран билан мулоқотини чеклашимиз ўта муҳим.

3. ЖИСМОНИЙ СОҒЛИҚДАГИ МУАММОЛАР

Болалар учун жисмоний фаоллик ўта муҳим – боланинг ҳаракатчанлиги меъёрий ҳолат ҳисобланади. Гаджетлар эса фақат майда моторика учунгина фойдали – бола бармоқларидан унумли фойдаланади. Мобил қурилмалардан кўп фойдаланувчи кичкинтойлар бошқаларига нисбатан фақат шу жиҳати билангина яхшироқ ривожланади. Аммо бошқа томонларига кўра улар девайслардан

узоқроқ бўлган тенгдошларидан орқада қолишади. Айниқса, жисмонан камҳаракат бўлгани ва кўп эгилиб ўтиргани учун, боланинг умуртқаси қийишқ ўсиши ва ортиқча вазн тўплаши – яққол кўриниб турган салбий ҳолат.

Шунингдек, мунтазам липиллаб турувчи ёрқин дисплейнинг кўзга зарар етказишини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Яна битта хавф – радиация: мобил қурилмалар Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан эҳтимолий канцерогенлар, яъни саратон сабабчиларидан бири сифатида эътироф этилган. Ўсиб келаётган организм нурланшларнинг салбий таъсирига кўпроқ берилувчан бўлади. Бу жиҳатдан энг зарарли смартфонлар ҳақидаги мақоламизга назар солишингиз мумкин.

4. МУЛОҚОТ КЎНИКМАЛАРИНИНГ ЕТИШМАСЛИГИ

Боланинг қўлига бирор гаджетни бериб қўйиш орқали унинг хархашасидан кутулган ота-она фарзандини ўрганиши имкониятидан маҳрум этади. Муҳим мулоқот кўникмаларини ҳосил қилиш учун кичкинтой ота-онаси билан бевосита мулоқотда бўлиши лозим. Бола нутқни ўрганиши, хис-туйғуларни англаши ва ниҳоят, шунчаки ўз ота-онаси билан фойдали ўйинлар ўйнаб туриши даркор.

Олтинчи синф ўқувчилари иштирок этган тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, тажрибалар мобайнида электроника жиҳозларидан фойдаланмаган болалар ҳиссиёт-

ларни яхшироқ тушунишган.

Агарда кичкинтойнинг инсонлар билан ўзаро мулоқотда бўладиган вақти девайсларга сарфланса, бу ҳол келажакда қариндошлар билан алоқаларга, бошқа болалар билан мулоқотга, ўз-ўзига нисбатан муносабатга ҳамда ҳиссий интеллектга салбий таъсир ўтказиши.

5. БОЛАНИНГ РИВОЖЛАНИШИ КЕЧИКИШИ

Болакайлар дунёни англашда асосан тегиниш, сислаб кўришга асосланишади: улар жисмларнинг шакли ва сиртини ушлаб кўриш орқали ўрганишади. Планшет ёки смартфон ёрдамида кичкинтой рангларни, ҳарф ва сўзларни яхшироқ ўрганиши – бор гап, аммо ҳажмли жисмларга гаджетлар орқали тегиниб ўрганиш имкони умуман йўқ.

Мактабга қабул қилиш палласида айрим болалар ривожланишдан орқада қолиб кетгани ойдинлашади: бу эса уларнинг савод чиқариши ва дарсларни ўзлаштиришида намоён бўлади. Булар айнан болаларнинг гўдаклигини гаджетларга боғлиқ қолганликлари сабаблидир.

Шунингдек, шифокорларни ташвишлантираётган яна бир жиҳат: электрон қурилмалар билан вақт ўтказиш болаларда фикрни жамлаб олиш, диққатини бир нарсага қаратиш, таълим олиш ва эслаб қолиш қобилиятларини пасайтиради. Бу ҳозирги замон медицинаси тилида "рақамли деменция" деб аталадиган касаллик ҳисобланади.



ТАЪЛИМ ВА ТАРАҚҚИЁТ

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТБАРДОШ КАДРЛАР

Бугунги кунда меҳнат бозори учун рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, бунда таълим хизматлари ҳамда меҳнат бозори мутаносиблигини таъминлаш, мутахассислар салоҳиятини янада оширишда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш, уни янги bosқичга, жаҳон андозаларига мос даражага олиб чиқиш зарурияти юзага келмоқда.

World Skills ишчи касбларни такомиллаштириш ҳамда кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган нотижорат ташкилот ҳисобланади. World Skills ҳаракати 85та ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг аънавий ҳунармандчилиги, саноат, хизмат кўрсатиш каби соҳалардаги ишчи касбларнинг бутун дунё бўйлаб такомиллаштиришга хизмат қиладиган ушбу ташкилот кадрлар квалификацияларини ошириш ва такомиллаштиришнинг глобал маркази саналади. Бугунги кунда World Skills унга аъзо 85та мамлакатлар ва ҳудудларда 56тадан ортиқ ишчи касблар бўйича билим олувчилар маҳоратини намоиш этишни таъминлайди.


World Skills 1953 йилда ишчи касбларга бўлган эҳтиёж ортиб бораётгани туфайли ҳамда уларнинг обрўсини ошириш мақсадида ташкил этилган. Унга аъзо мамлакатларда профессионал таълим тизимини ривожлантириш учун масъул этиб белгиланган ташкилот ва муассасалар ўзаро ҳамкорликда барча ишларни амалга оширади.

World Skillsning мақсади:

1. Бутун дунёда ўқитиш сифати, малака даражалари ҳамда стандартларини юксалтириш;
2. Дунёда касблар маҳорати, стандартлари ва мезонлари тўғрисидаги маълумотларни тарғиб қилиш ҳамда бу борада тажриба алмашиш.
3. Инновация ва касблар ривожланиши учун янги имкониятлар яратишда WSI мутахассислари ўртасида ўзаро алоқалар мустаҳкамлашишга қўмаклашиш.
4. World Skills иштирокчилари ва дунё мамлакатларидаги бошқа ёшлар ўртасида касблар, билим ва маданият алмашинувини рағбатлантириш.

World Skills 7 соҳа ва 42та касблар (номинациялар) бўйича мусобақалар ўтказилади. Жумладан, ахборот технологиялари соҳасининг 7та касби бўйича: телекоммуникация технологиялари; компьютер тармоқларига хизмат кўрсатиш; ахборот технологиялари; моделлаштириш; механика; мобил; робототехника; автоматика.

Ташкилот чемпионати икки йилда бир марта турли мамлакатларда ўтказилади ва унда ёш малакали ишчилар, 22 ёшгача бўлган (28 ёшгача юқори технологияли касблар бўйича) университетлар ҳамда коллеж талабалари, моҳир ва таниқли мутахассислар, усталар иштирок этади. Танлов иштирокчилари 85та World Skills ташкилотига аъзо мамлакатлардаги мин-



тақалар миқёсида ўтказиладиган мусобақаларда танлаб олинади. Улар ўзларининг техник қобилиятини, индивидуал ва жамоавий фазилатларини намоиш этадилар.

Профессионал таълим тизимида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва вазифалар таҳлил қилингандан, уни келгусида такомиллаштириш учун халқаро таълим стандартларини жорий этиш тизим олдига турган кечиктириб бўлмас вазифа эканлиги аён бўлиб қолмоқда. Жумладан, профессионал таълим дастурлари ва ўқитиш материаллари тўпламларини меҳнат бозори талаблари, тармоқ малака рамкалари ҳамда профессионал стандартлар асосида иш берувчилар билан бирга ишлаб чиқиш ва тизимли равишда такомиллаштириш зарур бўлади.

Профессионал таълим муассасаларининг ҳудудлар жойлашуви ҳамда тайёрланган касб ва мутахассисликларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш амалиётларини ташкил этиш учун иш берувчиларга бириктирилади. Корхона ва ташкилотлар ўқувчиларда танлаган касб ҳамда мутахассислиги бўйича билим, кўникма ва малакаларини бевосита амалиёт жараёнида эгаллашни таъминлайди. Энг муҳими, ўқувчиларда ўз бўлажак касбига бўлган мотивация ошади, ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан давлат ёшларни иш ўринлари билан таъминлашга эришади, ота-оналар эса ўз фарзандларининг келажақда муносиб иш ўринларига эга бўлишидан қувонадилар.

Ривожланган давлатларнинг ИТ-технологиялар, робототехника, қурилиш, туризм, транспорт, энергетика ва бошқа соҳалар бўйича етакчи профессионал таълим муассасалари филиаллари ташкил этилади. Бу бизнинг профессионал таълим тизимимиз учун муҳим bosқич бўлиб, хорижий мамлакатларнинг коллеж ва техникумлари билан ҳамкорлик қилиш имконини туғдиради.

Шунингдек, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб амалиётга йўналтирилган таълим дастурларини жорий этиш мақсадида профессионал таълим муассасаларида дуал таълим тизими жорий этилиши ҳамда уларда ўқувчиларнинг касбий малакасини World Skills стандартлари асосида баҳолаш

тартиби bosқичма-bosқич йўлга қўйилиши ва ишчи касблар бўйича "World Skills Uzbekistan" мусобақалари ўтказилиши белгиланди.

Профессионал таълим муассасаларига хорижий мамлакатлардаги таълим масканлари билан ҳамкорликда қўшма дастурлар асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрлашни ташкил этиш ваколати берилди.

Профессионал таълим муассасаларида ўқувчиларнинг касбий малакасини World Skills стандартлари асосида баҳолаш тартиби bosқичма-bosқич жорий қилиниши мамлакатимизда ишчи касблар эгалари малакалари бир неча дунё мамлакатларида уларнинг квалификациялари тан олинишни таъминлайди.

Ўзбекистонда World Skills стандартлари асосида ишчи касблар бўйича ўрта бўғин кадрларнинг асосий қисми касб-ҳунар мактабларида тайёрланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 339та касб-ҳунар мактаблари фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди ҳамда 81404 нафар умумий ўрта мактабларининг 9-синф битирувчилари ўқишга қабул қилинди. Касб-ҳунар мактабларида 252та ишчи касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконияти яратилди. Жумладан, телекоммуникациялар соҳасида "Ахборот воситалари машиналари ва компьютер тармоқлари оператори", "Рақамли ахборотларни қайта ишлаш устаси", "Компютер графикаси ва дизайн оператор".

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, профессионал таълим муассасаларида World Skills стандартлари bosқичма-bosқич жорий этилиши мамлакатда ўрта бўғин кадрларининг таши ва ички меҳнат бозорига муносиб иш ўринларини эгаллашига имконият яратади.

Нодир ХОДЖАЕВ,
Касб-ҳунар таълим маркази
Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими ҳамда педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти доценти

Мамлакатимизда таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Шунинг учун олдимизда турган иқтисодий ва иқтисодий муаммолар ечимига кўмак бера оладиган, янги Ўзбекистонни бунёд этадиган авлодни тарбиялаш ва камолга етказиш зарур.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБ ОСТОНАСИДАН БОШЛанаДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида таълимнинг барча турларида бир қатор янгиликлар ва ўзгаришлар белгиланган.

Янги Ўзбекистонда янгича дунёқарашни шакллантириш ва юксалтириш бевосита таълим ва тарбия билан боғлиқ жараён. Шу тафайли республикаимизда сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча bosқичларини ислох қилиш, халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизнинг мактабимизда ҳам бошқа фанлар билан бир қаторда хорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Рус, француз ва инглиз тили фанларининг бошланғич синфлардан ўқитилиши йўлга қўйилган.

Шу ўринда 1997 йил 29 августда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда таълим соҳасида асосий тамойиллар, таълим тизими турлари ва шакллари аниқ белгиланган бўлиб қўйилган.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда таълим соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотларга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, "Фарзандларимиз мактабда қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодий тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб ижтимоий муаммоларни ечиш имконияти туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади, десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўллаб-қувватлайди", деган фикрлари айни бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб беради.

Албатта, мактаб таълим ва тарбия ўчоғи сифатида жамятининг ижтимоий-маънавий ривожига хизмат қиладиган бўлиши маънавий-маърифий янгилинишда жуда муҳимдир. Бундай ишларнинг амалга оширилиши, янги Ўзбекистонда янги таълим тизими жорий этишдан қутилаётган асосий мақсад ҳисобланади.

Лола ИСМАТОВА,
Самарқанд шаҳридаги
45-умумтаълим
мактаби бошланғич синф
ўқитувчиси

12 АЛОҶА ОЛАМИДА

МЕССЕНЖЕРЛАР

TELEGRAM КАТТА ЎЗГАРИШЛАР БЎСАҒАСИДА:
ПАВЕЛ ДУРОВ РЕЖАЛАРИНИ ОЧИҚЛАДИ

Telegram мессенжери асосчиси Павел Дуров ўз телеграм-каналида лойиҳанинг яқин келажагига ойдинлик киритиб ўтди.

Мессенжер
муствақил бўлиб
қолади

Аввало, бир пайтлар WhatsApp сотилгани каби, Telegram сотилмайди. Дуров буни изоҳларкан, жаҳондаги фойдаланувчилар учун Telegram муствақил лойиҳа сифатида кераклигини таъкидлади. Дедики, ушбу мессенжерда эса фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилинади ва юқори сифатли сервис таъминланади.

"Telegram мукамаллик ва яхлитликка интилаётган технологик компания намунаси бўлиши ва шундай давом этиши шарт. Биздан олдингиларнинг аламли тажрибасидан гувоҳ бўлганлики, йирик корпорация тарихида бундай бўлиши имконсиз", — таъкидлади Дуров.

Telegram пул
ишлашни бошлайди

2021 йилдан Telegram мессенжери монетизация қилишни бошлайди.

"Telegram айна вақтда 500 миллион фаол фойдаланувчи-



га эга. Кўпчилигингиз савол беришингиз мумкин — бу ўсиш харажатлари ниманинг ҳисобидан қопланади? Ахир фойдаланувчилар сонининг ошиши янада кўпроқ трафик ва серверларни сақлаш учун харажатлар дегани. Бизнинг ўлчамимиздаги лойиҳани давом эттириш учун йилга камида бир неча юз миллион доллар керак", — деди мессенжер асосчиси.

Павел Дуров компания харажатларини шу вақтга қадар шахсий маблағлари ҳисобидан тўлагани, бироқ, айна пайтдаги ўсиш динамикаси миллиард фаол фойдаланувчиларга қараб кетаётгани, харажатлар ҳам мос равишда ошаётгани, унинг олдида икки йил — харажатларни қоплаш учун пул ишлашни бошлаш ёки лойиҳани

сотиш борлигини айтади.

Юқорида Дуров Telegramни сотмаслиги ҳақида тўхталдик. Шунинг учун у иккинчи йўлни танлайди.


"Telegram монетизация қилишни бошлайди... Барча жорий хизматлари бепулликка қолади. Улар қаторида бизнес жамоалар ва кенг эҳтиёжларга эга фойдаланувчилар учун кўшимча функцияларни таклиф қиламиз. Оддий фойдаланувчилар Telegramдан доим бепул фойдаланади. Telegramнинг хабар алмашиш билан боғлиқ барча хизматлари рекламадан холи бўлади. Шахсий ва гуруҳ чатларида реклама бўлиши номувофик, деб ҳисоблаймиз. Одамлар ўртасидаги суҳбат рекламага айланиб кетмаслиги зарур", — дейди у.

РЕЙТИНГ

БИТТАЯМ IPHONE ЙЎҚ:
2020 ЙИЛНИНГ ЭНГ ТЕЗ ҚУВВАТ
ОЛУВЧИ СМАРТФОНЛАРИ

2020 йилнинг энг тез қувват олувчи смартфонлари рейтингни тузилди: рўйхатни тузишда уларнинг зарядлаш сими ўтказувчанлиги тезлиги ҳисобга олинган.

Биринчи ўринда — Xiaomi Mi 10 Ultra (Хитойда Xiaomi Mi 10 Extreme Commemorative Edition номи остида чиққан). Бу смартфоннинг 4500 мАс сиғимли аккумулятори 100 фоиз тўлиши учун 21 дақиқа етарли. Xiaomi Mi 10 Ultra — ярим соатга қолмай тўлиқ қувватланувчи ягона смартфон!



Этиборли жиҳати, 2020 йилнинг энг тез қувват олувчи смартфонлари рейтингига бир донга ҳам iPhone йўқ.

Иккинчи ўринда — Realme X50 Pro (33 дақиқа).

Аккумулятори тўлишига 43 дақиқа сарфланадиган Oppo Find X2 Pro — учинчи ўринда. Бир соатга қолмай қувватини тиклай оладиган яна бир неча хил смартфон бор: Xiaomi Mi 10 Pro, Huawei Mate 40 Pro, Realme X3 Superzoom ҳамда OnePlus Nord.

Рейтинг қуйидагича:

1. Xiaomi Mi 10 Ultra — 21 дақиқа
2. Realme X50 Pro — 33 дақиқа
3. Oppo Find X2 Pro — 43 дақиқа
4. Xiaomi Mi 10 Pro — 46 дақиқа
5. Huawei Mate 40 Pro — 49 дақиқа
6. Realme X3 Superzoom — 56 дақиқа
7. OnePlus Nord — 57 дақиқа
8. OnePlus 8 Pro — 60 дақиқа
9. OnePlus 8 — 63 дақиқа
10. Poco X3 NFC — 63 дақиқа
11. Galaxy S20 Ultra — 64 дақиқа
12. Poco F2 Pro — 64 дақиқа
13. Galaxy Note 20 — 70 дақиқа
14. Galaxy S20 Exynos — 71 дақиқа
15. Huawei P40 Pro — 74 дақиқа.

СМАРТФОНЛАР

XIAOMI MI 11 ФЛАГМАНИ
ТАҚДИМОТИГА САНОҚЛИ КУНЛАР
ҚОЛДИ — SNAPDRAGON 888
ЎРНАТИЛГАН ИЛК СМАРТФОН

Шу йил декабри бошларида Qualcomm компанияси Snapdragon 888 процессорини тақдим этганди. Орадан ҳеч қанча ўтмай Xiaomi раҳбари компаниянинг навбатдаги флагмани Mi 11 мана шу чип ўрнатилган илк қурилма бўлишига ваъда берганди. Улгуришибди — смартфон тайёр, тақдимот 2020 йилнинг 28 декабрига белгиланган.

Mi 11 ва янги чип — тандемнинг афзаллиги нимада?

Янги флагман саноксиз функциялар ва имкониятлар билан шунчалик бойитилганки, ҳатто ишонинг ҳам қийин. Биринчи навбатда, экран остида жойлаштирилган фронтал камерани олайлик.

"Ун биринчи" бу — 12 гигабайтгача оператив хотира, 55 Вт тезкор зарядлаш, 120 Гц AMOLED-дисплей. Смартфон икки талқинда ҳавола этиларкан: Mi 11 ва Mi 11 Pro. Аккумуляторлари ҳам шунга қараб: 4 780 ва 4 970 мАс.

Ҳозирча мавжуд маълумотларга кўра, янги флагман қутисининг ўзидаёқ MIUI 12.5 қоплами билан тақдим этилади.



СИЁСАТ

ТРАМПНИНГ ТВИТТЕР-
АККАУНТИ БАЙДЕНГА ЎТАДИ

Twitter ижтимоий тармоғи Оқ уйнинг идоравий аккаунтларини Жо Байден маъмуриятига топширишга ҳозирликни бошлади, ёзмоқда CNN.

Аккаунт расман АҚШнинг сайланган президенти инаугурацияси куни — 2021 йилнинг 20 январидан янги эгасига топширилади.

Худди 2017 йилги президентлар алмашинувидаги каби, жараён Архивлар миллий бошқармаси билан яқин ҳамкорликда амалга ошириляпти, деди Twitter вакили Ник Пасилио.

Трамп маъмуриятининг барча твитлари Архивлар миллий бошқармаси томонидан архивланади. Қолаверса, биринчи хоним ҳамда матубот котибининг ижтимоий тармоқ саҳифалари ҳам демократ-президент вакилларига ўтади.



COVID-19

КОРОНАВИРУСДАН ҲИМОЯЛОВЧИ
МЕДАЛИОН ИХТИРО ҚИЛИНДИ

Францияда чивинлар ва безгакка қарши курашга ихтисослашган компания мутахассислари одамни нафақат ҳашаротлар, балки вируслардан ҳам ҳимоя қиладиган қурилмани ихтиро қилишди ва синовдан муваффақиятли ўтказишди.

"Ҳашаротлар одатда бизни ҳид орқали топшади. Унинг тарқатувчиси ҳисобланган молекуларлар кучсиз электр майдони ёрдамида чекиниши мумкин. Медалион кўринишидаги мослама айнан уни юзага келтиради", — дея маълум қилишди компаниядагилар.

Коронавирус пандемиясига қарши кураш доирасида ишлаб чиқувчилар ўзларининг қурилмаларига озгина ўзгартириш киритишга қарор қилишди. Улар медалионга номи сир сақланаётган қандайдир минерал ва ҳавони озонловчи аппаратни қўшдилар. Энди у ҳаводаги вирусларни, шу жумладан, SARS-CoV-2ни ҳам чекинтиради.

Le Parisien нашрининг ёзишича, қурилма аллақачон Париждаги Пастер институтида синовдан ўтказилди. Қурилма ёпиқ жойда 10 дақиқада ҳавони 94 фоиз вирус штаммларидан тозалаган. Оммавий ишлаб чиқариш маъқулланган бўлиб, ҳозирда медалионга талаб ошмоқда.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.

ЧЕКЛАНГАН ПИРОГ ҲАММАГА ЕТАДИ...МИ?


Айрим давлатлар вакцинага етиб бора олмаслиқдан хавотирда

Ковид 19га қарши вакцина олаётган илк инсонларнинг суратлари дунёда ҳаммани ҳам хурсанд қилаётгани йўқ. Зимбабве, Мексика ва Покистон каби давлатларда вакцинага етишиш учун кураш узоқ ва оғриқли кечадиган кўринади.

Британияда илк эмлашлар бошланганини кўрган зимбабвеллик Лоис Чинганду хавотирга тушди. Чунки унинг мамлакати қачон вакцина сотиб олиши аниқ эмас. "Агар биз уни ҳаётлигимдаёқ ололсак, фақат кутиш ва умид қилишдан ўзга чора йўқ, — дейди у. — Ковидни юқтириб олиш ва ўлиб кетишдан қўриқиб яшайман". Бу бир қарашда муболағадек кўринади, аммо у аввал юз берган нимагадир ўхшаб ҳолатни кўряпти бу ерда. Гап шундаки, Чинганду хоним ОИТС тарқалишига қарши курашганлардан. У 1990 йиллар охирида Зимбабве пойтахти Ҳарареда ҳар кун миңлаб одамларнинг ОИТСдан ўлганини кўрган. "Бир кун келиб имтиёзли озчилик камбағалларни ўлимдан сақлаб қолишга қарор қилганда, биз вакцина оламиз", дейди у.

У "Вакцина учун халқ альянси" деб номланган кампания иштирокчиси. Улар бов давлатлар, айниқса, АҚШ, Британия ва Европа Иттифоқи давлатлари, Канадани барча вакциналарни ўзларига йиғволгани учун қоралайдилар.

Ҳукуматлар ва компаниялар ўртасида вакцина бўйича битимларни мониторинг қилаётган Дюк университети тадқиқотчиларига кўра, бир неча давлатлар ўз аҳолиси эҳтиёжидан анча катта миқдордаги вакцинани сотиб олган. Канада ўз аҳолисини тўлиқ беш марта эмлашга етадиган вакцинага буюртма бериб бўлган. Бу давлатлар вакциналар самараси ҳали



аниқ бўлмасдан таваққул қилиб сотиб олган ва, ўз навбатида, ўша вакциналарнинг ишлаб чиқарилишини молиялашга ёрдам берган. Чинганду хоним ва Вакцина учун халқ альянси бу жараёни адолатсиз деб атайди. Улар ортиқча вакциналар муҳтож давлатларга берилиши керак, дейдилар.

Ҳозиргача 189 давлат Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва вакцина учун халқаро гуруҳлар қўлловидаги Covax ҳаракатига қўшилган. Бундан кўзланган мақсад давлатларнинг бошини қовуштириб, уларнинг фармацевтика компаниялари билан музокараларда устуңликка эришишига кўмак беришдир. Бу давлатларнинг 92таси паст ёки ўрта даромадли бўлиб, улар вакцина сотиб олиш учун ҳомиёлар ёрдамида тузилган жамғармадан фойдаланади. Буюк Британия бу жамғармага ярим миллиард доллар ўтказган. АҚШ ва Россия бу ишга ҳисса қўшмаётган оз сонли давлатлардандир. Ҳозирча Covax уч турдаги нисбатан самарали вакцинани олган. Аммо ушбу лойиҳа давлатлар аҳолисининг 20 фоизига етадиган вакцинани олиб бериши мумкин ҳолос.

Мексика ушбу лойиҳанинг асосий

қўлловчиларидан ва у орқали вакцина сотиб оладиган давлатлардан бири ҳамдир. Мамлакатнинг вакцина бўйича бош музокарачиси Марта Делгадо 20 фоиз Мексикадаги ўсиб бораётган Ковид 19 ҳолатларини тўхтатишга етмаслигини билади. Шу боис, у бошқа йўللар билан вакцинани қўлга кириштириш пайида. Ҳар бир кечкиш ҳаёт ва ўлимни белгилайди. Унинг айтишича, 13 октябрда у учта вакцина компанияси билан бевосита битим имзолаган. Улар кўпчилик истаётган Pfizer вакцинасининг кўп бўлмаган миқдорини қўлга кириштирган. Мексиканинг тегишли ташкилоти бу вакцинани фақат улодда вазиятларда қўллаш учун маъқуллади. Шу ой эмлаш бошланади. "Мексикада вакцина сотиб олиш учун пул бор, — дейди Делгадо хоним. — Лотин Америкасида бир қанча давлатларни кўрдим, уларнинг вакцина сотиб олишга етарли пули йўқ ҳозир ва олишларига ҳам кафолат йўқ. Аксар мамлакатлар учун Covax ҳозирда ягона ечим.

Оксфорд университети яратган вакцинани ишлаб чиқарадиган AstraZeneca фармацевтика компанияси унинг ривожланаётган давлат-

ларга сотувидан фойда кўрмаслигини айтди. Бу вакцина Covax режасида асосий ўринни эгаллайди, аммо ҳозиргача бирорта давлат уни қўллаш учун маъқуллагани йўқ. Битта вакцина компанияси дунёнинг 7,8 миллиард аҳолисига етадиган дозани етказиб бера олмайди.

Покистон ҳам вакцина ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар олиб бормоқда. "Биз бой давлатлар билан аниқ рақобат қилаямиз. Бу табиий ҳол, — дейди Покистон Бош вазирининг соғлиқни сақлаш бўйича маслаҳатчиси Файсал Султон. — Ҳамма чекланган пирог учун бораяпти. Пирог ўртага қўйилди ва ҳар ким ундан улушини олоқчи. Бу орада турткилашлар бўлиши тайин". Унинг айтишича, ҳозирча музокаралар яхши кетаяпти, аммо бирор миқдорда дозани сотиб олиш бўйича битим ҳали йўқ. Покистон вакцина самараси маълум бўлмагунча уни сотиб ололмайди.

ЖСТ Ковид вакцинаси бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқини бекор қилиш борасида қарорини кечкичтирди. Бу тақдир ЖСТдаги айрим давлатлар қўлловига эришди, аммо кўплаб Фарб давлатлари қарши чиқди. Шундай қилиб, аксар давлатлар учун Ковид вакцинасига эришиш кутиш ўйинидир.

Эслатиб ўтамиз, дунё мамлакатлари коронавирусуға қарши курашга 13 триллион доллардан кўпроқ маблағ сарфлади. Миқдор АҚШ Конгрессига келишилган ҳолда мамлакат иқтисодиётини рағбатлантириш бўйича қарийб 900 миллиард долларга тенг чора-тадбирлар тўпلامини ҳисобга олади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, 2021 йилда глобал давлат қарзи ялли ички маҳсулотнинг 125 фоизига етади.

КАНАДА ФАЛАСТИНЛИК ҚОҶҚИНЛАРГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Канада ҳукумати БМТнинг Фаластинлик қоҶқинларга кўмак агентлигига қарийб 70 миллион доллар ажратишга қарор қилди, дея хабар бermoқда The New Arab нашри.

Мазкур агентлик оғир молиявий қийинчиликни бошидан ўтказмоқда, раҳбариятнинг айтишича, агентлик тарихида буннақаси кузатилмаган. Канада ёрдам маблағини уч йил давомида ўтказиб беради, бу пуллар Фарбий соҳил, Газо, Сурия, Ливан ва Иорданиядаги қоҶқинларнинг эҳтиёжлари учун сарфланади. Жумладан, мазкур ёрдам ҳисобидан ярим миллиондан ортиқ болага таълим берилади, 140дан зиёд тиббиёт пунктларининг фаолияти молиялаштирилади, эҳтиёжмандлар озиқ-овқат ва бошпана билан таъминланади.

Канада БМТ агентлигига ёрдамни 2016 йилда тўхтатиб қўйган эди. Бироқ ҳукуматга Жастин Трюдо келгач, агентлик билан алоқа қайтадан тикланди.

БМТ агентлиги таҳминан 5,7 миллион фаластинлик қоҶқинга кўмак кўрсатади, хусусан, улар учун соғлиқни сақлаш ва таълим дастурларини амалга оширади.




Мартирoсян: "БИЗ ЎЗГА ЮРТДА 26 ЙИЛ ҲУҚМРОНЛИК ҚИЛДИК"

"Антарес" холдинги раҳбари Армен Мартирoсян "Фейсбук"да арманлар 26 йил давомида бегона давлатда ҳуқмронлик қилгани ҳақидаги пост ёзган. "Биз ўзга юртга бостириб кирдик, хўжайинлик қилдик, уйлар қурдик, конлардан фойдаландик.

Энди уй эгаси: "Ket!" демоқда. Биз эса "Бу шартномада йўқ", деб жавоб бераямиз", — деб ёзган у. "Бу сизга лойиқми? Мен ўз иш столимини сизнинг уйингизга қўйсам бўладими?" — савол беради пост муаллифи. Кейинчалик, пост ҳам, муаллифнинг саҳифаси ҳам ўчирилди.

Хонкенди (Степанакерт)нинг арман миллатига мансуб аҳолиси шошилинч равишда ўз уйлари ва квартираларини сотувга қўймоқда. Арманистоннинг кўчмас мулк сайтлари бундай эълонларга тўла. Мулкни илжори борича тезроқ сотиш учун нархлар паст. Арманистоннинг бир эълонлар порталидаги хабарларга кўра, уйлар ва квартиралар ичидаги ашёлар билан бирга сотилиш ҳоллари ҳам кўп учрамоқда.



МАРОКАШ ВА ИСРОИЛ ЎРТАСИДА ИЛК БИТИМЛАР ИМЗОЛАНДИ

Марокаш Исроил билан тўлиқ дипломатик, тинчлик ва дўстлик муносабатларини дарҳол ўрнатишга тайёр.



Сешанба куні Работда Марокаш бош вазири Саад ад-Дин ал-Усмoний, АҚШ президентининг катта маслаҳатчиси Жаред Кушнер ва Исроил Миллий хавфсизлик кенгаши раҳбари Меир Бен-Шабат томонидан имзоланган қўшма декларацияда ана шундай дейилган.

Икки давлат ўртасида тўртта битим имзоланди. Жумладан, бундан буён ҳар икки давлатнинг дипломатик ва хизмат паспортига эга фуқаролари виза расмиятчиликларидан холи бўлади. Шунингдек, Марокаш ва Исроил ўртасида мунтазам авиақатновлар йўлга қўйилади. Шундай қилиб, Марокаш жорий йилда БАА, Баҳрайн ва Судандан кейин Исроилни ташкил олган тўртинчи араб давлати бўлди.

Саҳифани У. ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Икки институтни битириб, эгаллаган билимларимни ҳаётга татбиқ этиб, молиявий аҳолиимни мустаҳкамлаб олганман. Ҳамма нарсам етарли. Аммо бу шунчаки бўлгани йўқ. Ўқишни битирганимча, сўнг ҳаётда ўз йўлимни топиб олганимча она сутим оғзимдан келган.

Аввал қишлоқда юрдим. Дипломинг тўғри келмайди, деб ҳеч қайси ташкилот ишга олмаган эди. Кейин ўқишга сарфлаган умримга ачина-ачина бошқа ўқишга, иккинчи мутахассисликка ҳужжат топширдим. Тўрт йилда иккинчи дипломи ҳам қўлга киритдим. Барибир ишим юршмади. Икки дипломли бўла туриб фақат оддий, маоши ҳам ишларни бажариб юрдим. Менга қўшилиб оилам ҳам қийналиб кетди. “Сут-қатиқ” бўлиб турган ситир-бузоқни сотиб, тузукроқ иш ахтариб пойтахтга келдим. Яхши одамларга учраб, тез кунда ишга жойлашдим. Меҳнатдан, изланишдан қочмадим. Шукри, секин-секин қийин кунлар унут бўла бошлади. Ҳозир уй-жой, машина... ҳамма нарсам етарли.

Бу менинг қисқача тарихим ва у аслида сизга айтмоқчи бўлган воқеага бевосита дахлдор. Бундан уч ой олдин рўзгорга мева-сабзавот харид қилиш учун қўйлик бозорига тушдим. Хотинимнинг бир варақ қоғозни тўлдириб ёзган харид рўйхатига қараб, бозор айлана бошладим. Бирпасда юкларим оғирлиги сезилди. Шунда

(Воқеий ҳикоя)

ХҲ АРАВА, БУ ЁҚҚА КЕЛ!

тўрт-беш қадам нарида турган аравакаш йигитчага кўзим тушди.

— Хў, арава, бу ёққа кел!..

— дедим унга. У менга бироз ёвқараш қилди-да, сўнг тез-тез юриб ёнимга келди.

Чақонлик билан юкларимни араवासига жойлаштирди. Мен яна бироз айланишимизни айтдим. Савдолашдик.

Инсофли бола экан, тортишиб ҳам ўтирмади. Арава деярли тўлди. Йигитча оғирлашиб кетган аравани судрашга анча қийналди, шекилли, терлаб кетди.

“Ёрдамлашсам, хизмат ҳақингдан чегирасанми?” — дедим унга ҳазиллашиб. У менга бир қаради-да, бошини сарак-сарак қилди. Мен унинг бу ҳаракати нимани ифода-лашгани тушунмадим.

“Кераги йўқ” деганими бу... ва ёки “Яхшимас, терлаб-пишиб ишлаган одамнинг устидан кулиш, ака...” дедимикин?..

Ҳартугул, ноўрин ҳазил қилганимни англаб етдим.

Яхши бола экан, нарсаларни машинанинг юконасига ҳам бирпасда жойлаштириб

қўйди. Мен хизмат ҳақини бердим ва дедим:

— Ука, яхши йигит экансан, исминг нима?

У пулни санамасдан чўнтагига урди-да, индамай кета бошлади. Саволим жавобсиз қолганидан жаҳлим чиқди. Орқасидан бақирдим.

— Хўв бола, одам бунақа одобсиз бўлмайди, мен сендан бор-йўғи исмингни сўрадим.

У тўхтаб ортига, менга қаради.

— Отинг нима? — сўрадим яна.

— Арава!.. — деди йигитча ва араवासини тақирлатиб, югуриб бозорга кириб кетди.

Уйга келдим, негадир юрагим хижил бўлаверди.

Уйлаб кўрсам, бир пайтлар мен ҳам шу йигитчага ўхша-

ган, ҳали ҳаётда ўз йўлимни топиб ололмай, кимларнинг-дир калондимоглигига чидаб юрган эдим-ку. “Хў, арава!”

эмиш-а... Ўзинг кеча ким эдинг? Қаёқдан келди тилимга бу сўзлар? Шу “арава” бир

кун келиб, сендан ўн баравар зўр одам бўлиши мумкин-ку...

Виждоним қийналди.

Эртага душанба — иш кўни. Келаси дам олиш кўнида яна бозорга бориб, ўша болани топиб, ундан узр сўрайман, деган қарорга келдим.

Кейинги яшанба яна бозорга бордим. Аммо ўша йигитчани тополмадим. Кейин яна... деярли ҳар ҳафта бозорга чиқдим. Афсуски, аравакаш йигитчани бошқа кўрмадим. Эҳтимол, ўқишга кириб кетгандир. Негадир шундай бўлишини жуда-жуда истадим.

Баҳор келди. Наврўз арафасида одам ўз камчиликларини сарҳисоб қилиб қолади. Мен Наврўз ёки ҳайитларда ана шу воқеани қайта-қайта эсга оламан.

Ҳамон аравакаш боладан узр сўраш нияти билан яшаганман. Аммо уни тополганим йўқ.

Ушандан бери бозорга чиқиб, юкларимни аравага ортадиган бўлсам, биринчи

галда аравакаш йигитдан исминини сўраб, ўз исми билан

муружаат қиламан ва хизмат ҳақини ўзи айтганидан кўпроқ

қилиб бераман. “Узр, ука, сени бироз овора қилдим-да!”

дейман. — Пар, “Узрга ҳожат йўқ, ака, ишимиз-ку бу!..” дейишади. Ҳатто йигитлардан бири хижолатимни бир қадар арилтадиган ажойиб изоҳни айтганида, фаросати-га қойил қолдим.

— Биласизми, шахсан мен одамларнинг “арава” деб

чақиришларини кўнглимга оғир олмайман, — деди у

пешанасидаги терини артиб. — Бу сўзни мен ўзимга эмас,

манави етаклаб юрган жонсиз аравага нисбатан

айтиляпти, деб қабул қиламан. Ахир, чет элларда ҳам

таксини “Такси-и-и!” деб

чақиришадику...

Мен шу тариқа бу йигитлар тимсолида хўв ўша

мағрур аравакаш йигитни кўраман-у барибир ундан

кечирин сўраган бўламан: “Кўнглимга қаердан кибр

кириб келганини билмай қолибман. Келажақда сен

мендан кўра омадлироқ бўлишингни тилайман. Мени

кечир, мен исминин билолмаган аравакаш укажон!..”

Кувондик СИДДИК

Жаҳон адабиёти

Жованни ПАПИНИ,
итальян ёзувчиси

ОНАЖОНИМ ИККИМИЗ

Гарчи онам ҳаётимдаги биринчи ва ягона муҳаббатим бўлганига қарамай битикларимда аҳён-аҳён-дагина тилга олганман.

Ҳар гал олис кечмишдаги хузур-ҳаловат дамларининг ақалли бирон изини топишга тиришарканман, айни қиш кунлари чошгоҳдан кейин ҳадемай тун қоронғиси чўка бошлайдиган кезларда бот-бот ойижонимнинг қаршисида тургандек сезаман ўзимни... Гўё иккимиз керосин чироқнинг терчиллаган шишасидан таралгучи майин нурга чулганганча стол тегра-сида ўтиргандекмиз.

Шундай пайтларда ойм энгашган кўйи ҳаворанг жундан тўқилган қандайдир шол рўмонли игна биланми ё машинадами тикарди. Мен эсам гўё қоғозга зангор тус каттакон капалаклариниз, сарғиш-кулранг бўталокларнинг ёки қизил юбка кийиб, рақс тушаётган аломат қизалокларнинг суратини ёпиштирардим.

Кўча сукутга чўлган, уйда иккимиздан бўлак ҳеч ким бўлмасди — изгириндан, қаҳратондан, зулматдан панада танҳо иккимиз, ёнма-ён... Ва мен ўша чоғ чироқнинг бир маромдаги

ёғдусию онажонимнинг нурли, далда берувчи нигоҳи ҳимоятида ўзимни беҳавотир, дадил ҳис қилардим.

Ойм тез-тез ашула айтар, доим қулиб турарди. У паст овозда аллақайси кўҳна, жайдари, мунгли халқ қўшиқларини куйлардики, ўшал қўшиқлар қалбимни эзгин, ноаён бир нафосат ҳисси-ла тўлдиради эди.

Илло энг ширин, энг ёрқин хотиралар очик ҳаводаги сайрларимиз, айнан Арно соҳилию боғу роғлар, хиёбонлар, қишлоқ кўчалари билан боғлиқ. Гарчи ҳаво айниб, кўкни булут қопласа ҳам, илдам одим ташлаб, шодон қиёфада деярли ҳар кўни ташқарини айланардик.

Онамнинг кўчага кийдиган иккитгина уст-боши бор эди, холос. Биттаси кўнғиртус қишки кийим, иккинчиси эса оч жигарранг ёзлик либос. Мен бўлсам ойм ўша оч тусли кўйлагини жавондан олаётганини кўрганамда беҳад қувонардим. Негаки бу ҳол ҳаётбахш кўклам айёми бошланаётганидан дарак берарди.

Сайр чоғи анчага довуз тўхтаб турадиган сеvimли жойимиз эса навниҳолгина кўркам тоқорни ўра-

ган, тепасида туйнукка ўхшаш бир нарсаси бор пастқам девор эди. Уни ербағирлаб турли шаклдаги япроғлар қоплаган, бу япроқлар беозоргина ўғрилигимизнинг баайни сўнги манзили ҳам эди. Июннинг ўрталарида эса мустаҳкам кўҳна тошлардан қурилган ҳалиги девор узра офтобга юзланганча марғубу матлуб ясимн буталари гулларди. Ойм деворга эгилган кўйи имкон қадар кўлини нарироққа чўзиб, баҳоликудрат кўпроқ ясимн гулини узиб оларди. Шундай пайтларда бошқа бир нарсани сезардим — офтоб тафтиданми ва ёки анави ҳўжалиқда-гилардан бирортаси кўриб қолмасин деган ҳадик боисми, гўё оловнинг жонли ёлқини унинг ёноқларини қиздираётгандек туюларди.

Ойм кўли етгучи ердаги ҳамма гулларни бир-бир терган кўйи улари-нинг илиқ муаттар бўйини симирмоқ учун юзига яқин олиб борар, сўнг даладан топган ўша “ўлжа”ларимизни яшириш мақсадида ясимнларни апил-тапил ихчамгина похол сумкасига соларди.

Тўғриси, биз ночор яшардик. Шу боис ойм атторлик дўконига чиқол-

мас, лекин кийим-кечак жавонининг мармар супасида спирт тўла каттакон шиша идишни сақларди — буни у атиргул гулбарглари, лимонўт япроғларию лаванда новдаларини, бинафшаю гулсафсарларни, ва ўзидаги бошқа хушбўй гул-чечакларни ҳам намлаб туриш учун ўша ерга қўйганди. Унинг камроқ пул кетадиган, сира тугамайдиган ана шундай бус-бутун, табиий, анвойи атир-упаси бўлгучи эди. Менга ажиб бир зийнат-дек туюлгучи ўша идишда ҳалиги ясимнлар ҳам то сўлиб қолгунча турарди.

Ойм мени йигирма йил олдин ташлаб кетди. У сўнги вақтларда қўшиқ айтмай қўйган, деярли қулмасди ҳам. Кексалик унга соя солган, шу боис баъзан чехраси очилар, кўпинча силласи қуриб, азоб чекарди...

Лекин токи мен тирик эканман, ойижоним ҳам ҳамиша барҳаёт — у ҳар доим ёш, гўзал, шодон қиёфада, майин жимжимадор безакли оч жигарранг либосда қаршида тургандек. Уша либосда эса онам умрида кўрган яккаю ягона заргарлик буюми — денгизчалар занжирига ўхшаш тилла тўноғичи шўфла таратиб туради. Ва ҳар гал кўк юзида офтоб мутлақ ҳоким бўлганда қадрдон масканимизга бориб, тоабад ясимнлар гуллайдиган ўша тароватли девор узра икковлон ўтирамиз.

Итальян тилидан
Рустам ИБРАГИМОВ таржимаси

ХОРАЗМДА АКТга ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ

2020 йил 19 декабр куни Урганч шаҳар 30-сон умумтаълим мактаби негизда Информатика ва ахборот технологияларига ихтисослаштирилган мактаб ташкил қилинди.

Мактабнинг очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг биринчи ўринбосари Олег Пекос онлайн иштирок этди.

Мактабда информатика, робототехника хоналари ва электрон

кутубхона энг замонавий компьютер техникалари ва ахборот-коммуникация воситалари билан "АЛС-КОМ" суғурта компанияси ҳомийлигида жиҳозланди.

Ихтисослаштирилган мактабга ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги давлат тест маркази томонидан тест синовлари асосида қабул қилинади.



➤ Масъулият ва ишонч

ЁШЛИК ШИЖОАТИ

...Нозимжон ТАТУ Фаргона филиалида тахсил олаётганда бир неча бор "Ўзбекистон почтаси" АЖ филиалида амалиёт ўтаган эди. Ушанда англади – катталар тажрибаси ўзи учун сув ва ҳаводек зарур экан, яъни амалиёт бошқаю назария бошқа. Амалий иш бўлмаса, назарий билимлар худдики куп-курук сафсата.


Почтачи ҳар куни миждозлар билан ишлайди. Уларни тинглайди, хулоса чиқаради, режани бажаради. Ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Кейин уни филиалга ишга олишди. "Сиз Фаргона шаҳридаги алоқа бўлимларида ишланг, ишни куйидан бошласангиз почтанинг нима эканлигини чуқурроқ англаб етасиз, – деган эди ушанда филиал директори бўлган Муродил ака Маҳмудов. – Кейинчалик шаҳарда қоласизми, туманга ишга кетасизми, ишнинг жиги нимадалигини билаверасиз. Келаси ойдан 19-почта алоқаси бўлимида иш бошлайсиз. Муваффақият ёр бўлсин. Тўғри, ҳалол ишласангиз бас. Бизларга шу керак".

Устоз Маҳмудов ҳақ экан. У бунга кўп бора амин бўлди. Кейинчалик Марғилон почта алоқаси боғламаси бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаб юрганда ҳам 19-алоқа бўлими заҳматларини бошдан кечирганини жуда асқотди. Қаерда нима бўляпти, қандай муаммо бор, уни қандай ечиш мумкин. Ҳаммаси унга кундек равшан эди – хуллас, у бу лавозимда ўзининг раҳбарлик, меҳнатсеварлик фазилатларини намойён этди. 2019 йилнинг июл ойидан буён Бешарик почта алоқаси боғламаси бошлиғи. Бу ёшгина мутахассис учун ниҳоятда катта масъулият, жуда катта ишонч. Энди уни кун-тун ишлаб, тафаккур қилиб, тўғри фаолият юритиб оқлаш шарт. Ишни шаҳардагидек ташкил этиб, тузуқини натижаларга эришяёт-

гани боис вилоят раҳбарияти томонидан бир неча бор рағбатлангирлиди. Даромад режасини ошириб адо этишга эришди. "Наҳотки, – дедим унга кўнғирок қилиб, – қишлоқларда ҳам ишни шаҳардагидек ташкил этиб бўлса?"

– Бўлади, – деди у дидил. – Шаҳарда почтачиликнинг оғир-енгилдан, минг хил синовларидан ёруғ юз билан ўтиб келдим. Устозларим Алижон Ибрагимов, Юлдузхон Абдуллаева, Шўхрат Бўриевлар берган таълим-тарбия туфайли тажрибам ошиб қолди. Қишлоқ худудларида ҳам шаҳардагидек ишлаш мумкинлигини исботлай олганимга гибрид почтани яхши йўлга қўйганимиз ва скутерлардан унумли фойдаланаётганимизни айтсам бўлади. Скутерлар қишлоқ шароитига тўғри келмайди, деганлар уялиб қолишди. Аллоҳга суян, таваккал қил, деб шу йил сентябр ойида иккита скутерни қабул қилиб олгандик. Таваккалчилик шарофати билан хат-хабарлар етказишни 1-3 кунгача қисқартирдик. Почталонларимиз Анвар Ҳайдаров ҳамда Баҳриддин Қурбоновлар ишлари енгиллашганидан ва миждозларга хизмат сифати кескин ошганидан жуда мамнунлар. Айниқса, уларнинг жамиятимиз эмблемаси туширилган формадалигини айтмайсизми! Биз почтачиларга одамлар ҳавас ва ишонч билан қарай бошлаганидан ҳам хурсандимиз.

Нозимжон Жулиев ёш бўлса-да, ана шун-



дай журъаткор, ташаббускор раҳбар. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 декабрдаги "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори раҳбар руҳини амалга кўтариб юборди. Мазкур муҳим ҳужжатдаги белгиланган ишларни амалга оширишга жамоа бор куч-билимларини сарфарб этади.

Яқин кунларда Бешарик ПАБ биносига Рақамли технологиялар ўқув маркази учун мўлжалланган хоналар ва иккита алоқа бўлими муқаммал таъмирланиши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, бинонинг ташқи кўриниши ҳам замонавий меъморчилик талаблари асосида янгича қиёфа касб эттирилиши зарур. Бу Янги йилда янгича ишлаш, ахборот технологияларини янада самаралироқ қўллаш, ўқиш, излаш, малакани тинимсиз ошириб бориш лозим, деганидир.

Нозимжон элга хиз-

мат – олий ҳиммат эканлигини фаолиятда кўрсатиш иштиёқида. Почта иши орқага кетган бир ярим йилда ҳам у соҳасига содиқ қолди. Зеро, ҳеч қаерда ёзилмаган олижаноблик қонунлари ҳам шунга тақозо этарди. Аслида оғир кунда соҳани ташлаб кетиш эмас, уни қайта оёққа қўйиш ҳам фарз, ҳам қарзидир.

– Аввало соҳамизнинг юксак минбери – "Xabar" газетасида ҳамюртларимизни, ҳамкасбларимизни табриклаш имконини берганингиз учун чексиз миннатдорман, – деди у суҳбатимиз сўнггида. – Янги йил халқимизга, шу муқаддас заманимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларга, қўйиники, жамики башариятга хайрли келсин. Ҳар бир инсоннинг кўзлаган мақсадларига етишида, зиммасидаги вазифаларни ёруғ юз билан бажаришида омад тилайман.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фаргона
вилоятидаги мухбири

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ "COMMUNICATION" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) аризасига кўра кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини қуриш фаолиятига 2019 йил 25 ноябрда берилган АА серия 0006811 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2020 йил 21 декабрдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ:

– "CYBER NET" хусусий корхонасига (Анджон вилояти) 2020 йил 20 майдаги ўз тармоғини яратиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга;

– "MALIKABONU JOBIRBEK TEKSTIL" масъулияти чекланган жамиятига (Наманган вилояти) 2020 йил 17 мартдаги ўз тармоғини яратиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга;

– "GLOBAL TELECOM" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) 2020 йил 4 сентябрдаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга;

– "MOBILE ENGINEERING" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) 2020 йил 17 мартдаги кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга;

– "TERMIZ PLATINA SERVIS" масъулияти чекланган жамиятига (Сурхондарё вилояти) 2020 йил 4 мартдаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга;

– "TOSH TEMIR SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига (Тошкент шаҳри) 2020 йил 15 январдаги шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга;

– "FUTURE SOFTWARE" МЧЖнинг (Тошкент ш.) 2020 йил 17 мартдаги маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга;

– "GULRANG KOMPLEKS QURILISH VA TA'MIRLASH" хусусий корхонаси (Қашқадарё вилояти) 2020 йил 11 мартдаги маълумотлар узатиш тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга;

– "KOMLAYF" хусусий корхонасига (Сурхондарё вилояти) 2020 йил 31 мартдаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятга;

– "TENVEO" хусусий корхонасига (Тошкент шаҳри) 2020 йил 26 майдаги маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга берилган лицензиялар бекор қилинди.



"ESCAPE" дан "RESET" гача:

Сиз ҳам компютерингиз қотиб қолганда, асабингиз бузилиб, кетма-кет турли тугмаларни беихтиёр босиб чиқасизми? Тугмаларни тартибсиз босишнинг ўзи катта хато ҳисобланади, чунки бунда компютерга бир вақтнинг ўзида кўпгина буйруқлар юборилади ва уларни қайта ишлай олмай, тизим бутунлай тўхтаб қолиши мумкин.

Хўш, ўзи компютер қотиб, сичқончаси ишламай қолганда нима қилиш керак?

- Escape (Esc) тугмасини босиб кўриш зарур, у охири берилган буйруқни бекор қилади ва айрим ҳолларда ёрдам бериб қолиши мумкин.
- Агар компютер ўйин ўйнаётганда ёки видео томоша қилаётганда қотиб қолса, Shift + Ctrl + Win + V тугмаларини биргаликда босиб кўриш керак. Бу билан видеокарта драйвери қайта юкланади.
- Баъзан сичқончанинг ўнг ва чап

тугмаларини кетма-кет босиб ёрдам бериши мумкин;

● Ctrl + Shift + Escни босиб, қотиб қолган дастурни "Диспетчер задач" ёрдамида тўхтатиш мумкин.

● Агар бу ёрдам бермаса, Ctrl + Alt + Del тугмаларини босиб билан "Диспетчер задач"га кириш мумкин. Айрим ҳолларда учала тугманинг босилиши компютернинг яна ишлаб кетишига сабаб бўлади.

● Булардан ташқари, Alt + Tabни бир пайтда босиб билан бошқа ойнага ўтиши сабаб, компютер яна ишлаб кетиши эҳтимоли бор.

● Қотиб қолган компютерни яна қайта ишга тушириб юборишга универсал ечим йўқ, беш дақиқа кутиб туриш ҳам ёрдам бериши мумкин.

Юқоридаги кўрсатмалар ёрдам бермаган тақдирда компютернинг "RESET" тугмасини бемалол босиб, компютерни қайта юклаш мумкин.

САЛОМАТЛИК

Пишлоқ умрни узайтиради...ми?

Пишлоқ фойдали маҳсулот эканлигига шубҳа йўқ. Уни энг кўп истеъмол қилувчи Франция, Италия, Испания каби мамлакатларда узок умр кўрувчилар кўп қайд этилиши бежизга эмас.

Техас университети олимлари ўз тадқиқотларида чеддер, бри ва пармезан каби пишлоқлар таркибида спермидин моддаси борлигини таъкидлашади. У артериал қон босимини пасайтириб, юрак-қон томир касалликлари хавфини 40 фоизга камайтиради. Таъриба натижаларига кўра, ҳайвонлар озқасига спермидин қўшилганда улар 25 фоиз узокроқ яшашган.

Россиялик шифокорлар эса техаслик мутахассисларнинг фикрига қўшилмайди. "Тўғри, сифатли пишлоқни меъёрда (кунига 30 граммгача) истеъмол қилиш фойда келтиради, — дейди РФ Соғлиқни сақлаш вазирлиги Миллий тиббиёт эндокринология илмий-тадқиқот маркази эндокринологи Лариса Савелова. — Аммо умр кўриш давомийлигига парҳездан ташқари бошқа кўплаб омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Устига-устак, лаборатория тажрибалари шу пайтгача фақат ҳайвонлар устида ўтказилган. Уларнинг натижаларини эса ҳар доим ҳам одамларга қўллаб бўлмайди".



ХАНДАЛАР

Мактабда ўқувчиларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари ўраштиляпти. Муаллима:

- Хўш, Эшматов, агар уч яшар уканг уй қалитини ютиб юборган бўлса, қандай йўл тутардинг?
- Уйга деразадан ошиб кирардим.

Маҳбус хотинидан хат олди. Ўқиб чиққач, камерадошлар ундан сўрашди:

- Хотининг нима деб ёзибди?
- Э, ўғлим иккинчи йил ҳам бешинчи синфда қоладиган бўпти... Ошламизни шарманда қипти ярамас.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй (мўлжал: Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31,
факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслидин БҲРИЕВ.
Навбатчи: Барно СУЛТОНОВА.



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфилло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (масъул қотиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОМУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади.

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа уйи босмаҳонасида чоп этилади. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

V 44-83 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бېчими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 3955 нусха.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00.
Босишга топширилиш вақти — 24.00.